

**QADRIYATLARING BOQIY BO'LSIN, NAVRO'Z!**



O'zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi nashri

# Postda На посту



2025-yil 13-mart  
payshanba

№ 11 (4705)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz) / E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)

## Юксак мукофот сохиблари

### ҲАЁТ СИНОВИДА ТОБЛАНГАН АЁЛ

Ҳаётимиз ўзгарувчан эканлиги, ютуқ ва мағлубиятлардан, қийинчилигу енгилликлардан иборатлиги ҳаммамизга маълум. Кеча қувончдан бошимиз осмонга етган бўлиши мумкин, бугун эса қайғудан кўзларимиз олди қоронгуликка бурканиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳаётнинг ушбу чархпалағида инсон кўплаб синовлардан ўтади, синалаётган инсоннинг иродаси эса айнан ўша лаҳзаларда баҳоланади. ИИВ Академиясининг маъмурий ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, истеъфодаги полковник Сораҳон Аҳмедова тақдирнинг турфа синовларига дуч келганида, ўзини асло йўқотиб қўймаган метин бардошли олима аёллардан.

11



## Hafta qahramoni

**Sirdaryo viloyati.** Safdor Davlatbek Fozilov xizmat vazifasiga sadoqatli, fidoyi xodimlardan biri. U ikki yildan beri viloyat IIB JXX JTSB PPX inspektori lavozimida xizmat qiladi. Ayni paytda oliy o'quv yurtining sirtqi bo'limida tahsil olyapti.

Yaqinda u Guliston shahri «Taraqqiyot» mahallasida xizmat faoliyatini o'tayotgan vaqtida ikki shaxs bir notanish yigitni o'rtaga olib, unga tazyiq o'tkazayotgani ustidan chiqib qoldi. Yaqinlashayotgan xodimni ko'rgan bezorilar voqeja joyidan qochib, yashirinishga urindi. Lekin ular uzoqqa keta olmadi. Davlatbek yolg'iz o'zi jangovar kasb mahoratini namoyon qilib, jamoat tartibiga xavf solgan ikkala bezorini birin-ketin qo'iga oldi.

Bezorilarning shaxsiga aniqlik kiritilganida, ikkalasi ham shu mahallada yashaydigan 24–25 yoshli yigitlar ekan oydinlashdi. Ular tazyiq o'tkazmoqchi bo'lgan yigitcha esa Oqoltin tumanidan kelgan mehmon ekan.

O'z muxbirimiz.

## TAYINLANDI



**polkovnik  
Raxmatullayev  
Ayubxon  
Toshxo'jayevich**

**Ichki ishlar vazirining  
birinchi o'rnbosari  
– Tezkor qidiruv  
departamenti boshlig'i  
lavozimiga**

Viloyat IIB Migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish boshqarmasi inspektori, katta leytenant Sardor Baxranov xizmat faoliyatini boshlaganiga endigina 8 yil bo'ldi. Ilk xizmat faoliyatini Nurobod tumanida boshlagan yosh xodim aynan shu yerda hujjatlarni rasmiylashtirish, ID-kartalari va xorija chiqish pasportlari berish, fuqarolikni rasmiylashtirish, chet el fuqarolarini vaqtincha ro'yxatga olish ko'nikmalarini egalladi.

Migratsiya xizmati xodimlari tomonidan Migratsiya qonunchiligiga riyoa etilishi nazarat qilinib, aholi o'rtasida davlat xizmatlarini ommalashtirish borasida katta ishlar amalga oshirilmoqda. Bu mamlakatimizda elektron formatga o'tgan migratsiya jarayonlari jadal rivojlanib borayotgani bilan bog'liq.

– Har kuni hujjatlarni rasmiylashtirishda yordamga yoki fuqarolikni olish bo'yicha maslahatga muhtoj bo'lgan 50 dan ziyod fuqaro murojaat qiladi, – deydi katta leytenant S. Baxranov. – Savollarga to'g'ri va to'liq javob berish uchun har yili o'zgarib turadigan yoki yangi bandlar bilan to'ldiriladigan qonun hujjatlarini yaxshi bilish zarur. Bularning bari



2025-YIL – ATROF-MUHITNI ASRASH VA «YASHIL» IQTISODIYOT YILI

## QIR BAG'RIDAGI BOG'

**Sharof Rashidov tumanining «Kuvyboshi» mahallasi joylashgan viloyat ichki ishlar organlari xodimlarining yakka tartibdagi turar joylaridagi binolarga quyosh panellari o'rnatish ko'zda tutilmoqda. Bundan tashqari, hududga yondosh qirlik bag'rida «Yashil makon» umummiliy loyihasi asosida bog' barpo etilayotir. Kuni kecha hashar uysutrilib, har biri 250 tupdan tog' gilosini, chilonjiyda, ahmadiy pistasi, goji, bodom nihollari o'tqazildi.**



Nihollarni tomchilatib sug'orish tizimini joriy qilish maqsadida qir ustida 250 metr kub sig'imga ega yopiq inshootni yuzaga keltirish, 1 kilometr uzunlikda quvur yotqizish hamda nasos yordamida suv chiqarish, tepalik tomon zina qurish hamda tevarakni sim to'r bilan o'rab chiqish rejalashtirilgan. Yana bir ma'lumot: joriy yilda 8 hektarlik maydonning 5 hektarini ko'kalamzorlashtirish mo'ljallanyapti.

**Alijon ABDUSATTOROV,  
o'z muxbirimiz.**

*Jizzax viloyati.*

## ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

## АДОЛАТСИЗЛИК АЗОБИ



Нуридин Қориев 1893 йили Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасида дунёга келган. Отаси Холмирза қори ўзининг бир гектарга яқин ерида боғбонлик қилиб, қишида ўз дўконида боғидан чиқсан курук меваларни сотиб, саккиз жондан иборат рўзгорини тебратар эди. Нуридин 14 ёшигача эски мактабда ўқиб савод чиқаради. Сўнг қориҳонага қатнаб, қори даражасига эришади. Рус-тузем мактабида ўқиб, рус тилини ҳам ўрганади. 1908 йилдан бошлаб оиласий шароити туфайли меҳнат қилишга мажбур бўлади. Мардикорлик, чорикорлик қиласиди. Тоштарошга шогирд тушади, пахта заводида ишчи бўлиб ишлайди. Отасининг дўконини юритиб, турли бозорларга қатнаб савдо қиласиди. Сўнг бир бой киши хизматига кириб, унга аравакашлик ва котиблика ёлланади.

Нуридин Қориев Чорток бўлисига қоровул ва фаррош бўлиб ишга кирганида жуда ёшлидан ҳаёт қийинчиликларига кўникканлиги, меҳнаткашлиги ва одамлар билан тезда тил топиша олиши билан ажralиб турар эди. Илмли фаол йигит сифатида тез орада кўпчиликнинг назарига тушди. 1916 йилдан Пишкарон бўлисида, 1917 йил февралдан 1918 йил охиригача Наманган шаҳрининг Сардоба бўлисида мирза бўлиб хизмат қиласиди. Унинг Туркистон Мухторияти билан боғлиқ фаолияти ҳақида ҳозирча бирор маълумотга эга бўла олмадик. Шуниси аниқки, Мухториятнинг қонга ботирилиши ортидан шўролар ҳукумати хизматига киришга мажбур бўлган.

Нуридин Қориев 1918 йил 1 октябрь куни Сардобага оқсоқол, сўнг милиция бошлиги бўлади. 1919 йил шўро ҳукуматининг маҳсус қарори асосида Қизил армия таркибида кириб, 1920 йилдан Наманганинг Янгикўрон тумани милиция бошлиғи, 1921 йил июль-октябрь ойларидан Наманган уезд ва шаҳар ижроқўми раиси, Наманган шаҳар инқилобий қўмитаси раиси лавозимларида фаолият олиб боради. У Наманган шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда сўзлаган нутқида: «Мусулмон меҳнаткашлари энг оддий ҳукуқдан ҳам маҳрум бўлганлар. Тұрмушнинг қайси соҳасига кўз ташламайлик, ҳамма жойда икки хил ўлчов бор: бири овруполиклар учун, бошқаси мусулмон аҳоли учун. Ширкат ва озиқ-овқатидарларида озиқ-овқатлар аксарият овруполик аҳолига берилган, мусулмонлар омаси эса тўқ овруполи аҳоли кўз ўнгига очлик азобини тортиб ўлиб кетаверади.

Мактаблар, театрлар ва бошқа маданий муассасаларнинг аксарияти овруполик аҳоли учун очилган ва ишлаб турибди. Ҳўш, бу ахволдан қандай чиқиш мумкин эди? Махаллий мусулмон миллатлари вакиллари ҳар қадамда, ҳар дақиқада шовинистлар томонидан ўзларига нисбатан ишончизликтини, душманликни, аёвзизликтини кўрдиларки, ҳатто чор ҳукумати даврида ҳам тушга кирмаган, хаёлинингга келмаган ҳолатлар юзага келди. Улар миллий озодлик кураши билангина

хўжалигини тиклаш мақсадида кенг кўламли сиёсат олиб борилади. Шундай бир шароитда Нуридин Қориевнинг маҳаллий аҳоли билан ишлаш иқтидори ва дехқончилик сирларидан хабардорлигини билган совет маъмурлари унга 1922 йил мартаңдан Наманган уезд ва шаҳар ҳудудидаги экин-тиқин ишларига раҳбарликни топширади.

Нуридин Қориев 1923 йил яна Наманган уезд ва шаҳар қўмитаси қишлоқ хўжалиги бўлимига бошлиқ бўлди. Шу йилларда ҳалқ маорифини ривожланти-



датга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади.

У 1930–34 йиллар мобайнида Ленинград вилоятида жойлашган лагерларда жазони ўтаб қайтади. Бир муддат ишсиз юргач, Туркманистон ССРга бориб, давлат банкига иқтисодчи бўлиб ишга киради. 1937 йил 21 август куни Нуридин Қориевни яна бойнинг ўғли, «Миллий иттиҳод» аъзоси каби айловлар билан қамоқقا олишга қарор чиқарилади. 1937 йил 22 август куни берилган ордер асосида Наманганинг Сардоба мавзесидан ҳибсга олинади. Шу куннинг ўзида у яшаган Ашхобод шаҳар, Фонтан кўчаси 9-хонадонда тинтуб ўтказилди. Унинг шахсий анкетасида оила аъзолари сифатида турмуш ўртоғи Шарифа Абдуллаевна, фарзандлари – Нажибжон (1918), Зарифахон (1926) ва Латифжон (1935)нинг номлари қайд этилган.

Нуридин Қориев 1937 йил 16 сентябрь куни сўроқда ўзининг бутун ўтмишини сўзлаб беради. 19 сентябрь куни терговда эса ўзига қўйилган айловларни қатъян рад этади. Шу куни Тожи Раҳмон билан юзлаштириш чоғида «Миллий иттиҳод» деган аксилиниқилобий ташкилотнинг ўзи ҳам тухматдан бошқа нарса эмас, дейди.

Нуридин Қориев 1937 йил 29 сентябрь куни тергов жараёнида саломатлиги жиддий ёмонлашгач, шифохонага ётқизилади ва 13 ноябрь куни унга ўлим жазоси ҳукм қилинади. Ноҳақ жазо 1938 йил 4 январь куни Намангандаги маҳсус объектда ижро этилади.

Адолатсизлик, қатағон қурбони бўлган Нуридин Холмирзаевич Қориев 1958 йил 28 июль куни ЎзССР Олий суди томонидан оқланган.



ўз тақдирларини ўзлари ҳалқилишлари мумкинлигига қатъий ишона бордилар», – деди. Ана шу боисдан ҳам адолатсизликка қарши кураш умумхалқ курашига айланди. Дарҳақиқат, Шўролар мамлакатида узоқ давом этган фуқаролар уруши шароитида ҳалқ хўжалиги хонавайрон бўлди.

1922 йил баҳоридан шўролар Янги иқтисодий сиёсатга ўтадилар. Натижада Фарғона водийсида ҳам иқтисодиётни кўтариш, минтақада қишлоқ

риш ва миллий кадрларни етишириш мақсадида ташкил этилган «Нашри Маориф» жамиятининг Наманган бўлимини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади. 1924–25 йилларда Фитрат Намангана келиб, «Қутадғу билик» китобини топган. Бунга Нуридин Қориев катта ёрдам берган эди. 1924 йил 21 октябринча Наманган уезд ва шаҳар ижроқўми раиси лавозимида иш олиб бориб, Іумумўзбек қурултойига вакилликка сайланади.

курсига ўқишга қабул қилинади.

Нуридин Қориев 1929 йил сўнгидага Наманганга келганида Шарқ театрида «Миллий иттиҳод» аксилиниқилобий ташкилоти аъзоси деган айлов билан қамоқقا олинади. Москвада ўтказилган нохолис суд томонидан Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги 80 дан ортиқ миллий тараққий парварларга нисбатан ҳукм чиқарилади. Нуридин Қориев 1931 йил 25 апрель куни 5 йил муд-

 ЖАСОРАТ ИЛА ЁЗИЛГАН ТА҆ДИР

## УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН – дейди 101 ёшли Аҳмед бобо

Иккинчи жаҳон урушида боболаримиз тинчлик, осойишталик учун қанчалар жонфидолик қилишганини сира унугтанимиз йўқ. Уларнинг мардлиги, жасурлиги ёш авлод учун ҳамиша ибратдир. Минг афсуски, йиллар бешафқат. Уруш қатнашчиларимизнинг сафи йилдан-йилга камаймоқда. Истеъфодаги майор Аҳмед бобо Мұхсинов табаррук фахрийларимиздан.

Аҳмед бобо Мұхсинов 1942 йилда армия сафига чақирилиб, ўн саккиз ёшида Сталинград мудофааси учун бўлган қақшатқич жанг жадалларда, Кавказни фашистлардан ҳимоя этишда қатнашди ва 1947 йилда Узоқ Шарқда ҳарбий хизматни туғатиб, она шаҳри Бухорога қайтди. У узоқ йиллар ички ишлар органларида турли лавозимларда меҳнат қилиб, 1984 йилда майор унвони билан пенсияга чиқди. Бугунги кунда фарзандлари, набираю эваралари ардоғида кексалик гаштини сур-

моқда. Уларга ҳамиша тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини уқтириб, панду насиҳатлар билан тўғри йўлга бошламоқда. Доимо қўллари дуода.

– Уйимизнинг файзи, таровати бўлакча, – дейди Анваржон.

– Чунки бобожоним баҳти-мизга соғ-саломат. Шукрлар бўлсинки, тинч замонда яшаяпмиз. Ана шу осо-йишта ҳаётимизга замин яратишда бобожоним-нинг хизмати катта, деб


 ШОГИРД УСТОЗИ ҲАҚДА

## ЭЗГУЛИККА ОШУФТА ДИЛ

1998–1999 йилларда ИИВ Транспорт ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, ходимларни тарбиялаш ва ижти-моий ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимида капитан Гулнора Умарова билан бирга ишладик. Гулнора опа оқёнгигил, самимий, беғубор, қалби тоза, меҳрибон аёл экан.



Суратда: Гулнора Умарова (чапдан учинчи).

ўйлайман. Қолаверса, орзу-ҳавасимиз ушалишига ҳам бобомнинг насиҳатлари ва йўл-йўриқлари туфайли эрияпмиз. Баҳтимизга доимо омон бўлишсин...

Анваржоннинг таъкидлашича, бобоси «Тирик афсона»нинг ўзгинаси. У киши умри давомида қанчадан-қанча синовларни бошдан кечирган, яхши кунлар келишга умид билан яшаган ва курашган. Яратганга минг шукрлар бўлсинки, орзу қилган давримиз келди. Мамлакатимиз осо-йишта, аҳолиси фаровон. Ҳамма тинч-тотув яшаб меҳнат қиляпти.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, юксалишлар, бунёдкорликлар ва ўзгаришлардан, шунингдек, Президентимизнинг кек-

саларга кўрсатаётган эътибору эъзозидан кўнгли тоғдек кўтарилиган Аҳмед бобо ҳар йили ғалаба байрамини эрта нишонлайди. Чунки майнинг олтинчи санасида таваллуд топган. Бу йил бир юзи бир ёшни тўлдириб, бир юз иккига қадам қўйди.

Эҳтирому эъзозда яшаётган табаррук бобомизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашарканман, ҳалқимиз нечоғлик улкан иродада соҳиби эканлигига яна бир маротаба имон келтирдим. Аёнки, шундай иродада соҳиблари бор экан, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди!

**Мирзоқул АҲАДОВ,**  
ӯз мухбиримиз.  
Бухоро вилояти.

1960 йили Тошкент шаҳрида туғилган Гулнора Умарова 1979 йилда Тошкент педагогика билим юртини муввафқиятли тамомлаб, бир муддат болалар боғчасида ишлаган. Ишдан ажралмаган ҳолда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг дефектология факультетида сурдо йўналиши бўйича таҳсил олган.

1982 йилдан 2010 йилгача ИИВ Транспорт ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизматида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, муҳим топшириклар бўйича катта инспектор лавозимидан майор унвони билан пенсияга чиқсан Гулнора опа шахсий таркиб ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ходимлар ва фахрийларни ижти-моий ҳимоя қилиш, ходимларнинг маънавиятини ошириш мақсадида ўтказиладиган турли тадбирларда ўз фаоллиги билан ажralиб турарди.

Ҳаёт синовлардан иборат. Бу синовлар устозимни ҳам четлаб ўтмади. 2006 йил умр йўлдоши Баҳодир Умаров вафот этганда, икки қиз ва

ўғли билан қолди. Аммо у ўзини йўқотиб кўймади. Болаларига ҳам ота, ҳам она бўлиб, оқ ювиб, оқ тараб катта қилди. Уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратди.

Бу ўз самарасини берди, бугун катта қизи Дилдора Республика эстрада ва цирк коллежида ўқитувчи, Нилуфар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ҳалқаро журналистика факультетини битирган. Айни кунда бола тарбияси билан машғул. Ўғли Санжар эса хусусий тадбиркор.

Ҳозирги кунда истеъфодаги майор Гулнора Умарова бир қулоқ набиралар қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Фарзандлар ишли, ўқимишли ва ҳунарли.

Байрам баҳонасида кўнгли эзгуликка ошуфта устозимни чин қалбимдан табриклиб, бу меҳрибон ва қадрдон аёлга узок умр, хотиржам ҳаёт, мустаҳкам соғлиқ ва икки дунё саодатини тилайман.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**  
истеъфодаги подполковник.

# ДВА СЕРДЦА В ОДНОМ СТРОЮ



**В органах внутренних дел служат немало семейных пар. Они – пример взаимопонимания и поддержки. Каждый из супругов знает специфику работы другого, что укрепляет их союз.**

Одна из таких пар – майоры Саламат Даулетмуратов и Зебохон Науризбаяева.

С. Даулетмуратов является начальником отдела службы духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения Министерства внутренних дел Республики Каракалпакстан. Его супруга работает старшим инспектором группы по работе с несовершеннолетними и молодежью отдела профилактики правонарушений СОБ УКД ОВД города Нукуса. Вместе они не только строят карьеру, но и создали крепкую, дружную семью.

– Семья – это надежный тыл, без которого невозможно чувствовать себя уверенно. Мой отец, Бахтияр Низаматдинов, всю жизнь посвятил службе в органах внутренних дел и оказал огромное влияние на мой выбор профессии. На заслуженный отдых он вышел в звании подполковника. В правоохранительных органах я не только нашла свое призвание, но и встретила любимого человека, с которым разделяю все радости и трудности, – делится Зебохон.

Служба в органах требует полной самоотдачи. Дежурства могут длиться

круглые сутки, но супруги поддерживают друг друга. За годы службы они неоднократно поощрялись МВД Узбекистана и МВД Республики Каракалпакстан.

Супруги большое внимание уделяют воспитанию сыновей – Асмира и Борибая, с увлечением помогают им осваивать иностранные языки.

История наших героев – пример того, что семейное счастье и служба могут идти рука об руку. Главное – взаимопонимание.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,  
соб. корр.**

★ **На страже здоровья**

## ВЫЕЗДНОЙ МЕДОСМОТР


Узкопрофильные специалисты лечебно-профилактических учреждений Медицинского управления МВД провели углубленный медицинский осмотр для сотрудников, членов их семей, пенсионеров, состоящих на учете в медотделе УВД Кашкадарьинской области.



К работе были привлечены врачи Министерства здравоохранения, Центрального госпиталя, Центральной поликлиники МВД. Они провели комплексное обследование личного состава, пенсионеров областного УВД. Вниманием специалистов были охвачены и работники учреждений по исполнению наказания четвертой региональной территории, военнослужащие воинской части № 7533 Карабульских войск МВД, члены их семей.

Медицинский осмотр также прошли сотрудники ОВД города Шахрисабза, Чиракчинского, Яккабагского, Шахрисабзского и Китабского районов.

По результатам диагностики 164 осмотренным рекомендовано лечение в стационаре, 245 – амбулаторное наблюдение, а 48 направлены на оздоровление в санаторно-курортные учреждения.



Особое внимание специалисты уделили получившим инвалидность при исполнении служебных обязанностей и пенсионерам, проживающим в отдаленных районах. Врачи посетили их на дому, назначили лечение.

В рамках медосмотра также состоялся круглый стол, на котором сотрудники и пенсионеры обсудили вопросы медицинского обслуживания в системе МВД. Были выслушаны их предложения, даны разъяснения по

требованиям нормативно-правовых документов, регулирующих медико-санитарное обеспечение и санаторно-курортное обслуживание.

Выездной медицинский осмотр стал важной профилактической мерой, способствующей укреплению здоровья сотрудников и ветеранов ОВД.

**Содик РАХИМОВ,  
соб. корр.  
Кашкадарьинская область.**

## RAQAMLASHTIRISH SAMARASI

## «MASH'AL»DAGI IBRATLI ISHLAR

Bugungi kunda raqamli texnologiyalar kirib bormagan soha va tarmoq deyarli qolmadi. Ayniqsa, ichki ishlar organlari tizimiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini izchillik bilan joriy etish orqali jinoyatchilikning barvaqt oldini olishga katta e'tibor qaratilmoqda. Farg'ona viloyati ichki ishlar organlarida ham bu borada salmoqli ishlar amalga oshirilayotganini e'tirof etish zarur.

Misol uchun, o'tgan yilda «Raqamli xavfsiz mahalla» konsepsiysi doirasida viloyatdagi barcha obyektlarni, mahallalarni raqamlashtirish bo'yicha ish boshlanib, bugungacha 46 ming 895 ta videokuzatuv kamerasi o'rnatildi, 1063 ta mahallaning 5614 ta kirish va chiqish joylari to'liq raqamlashtirildi. Barcha shahar va tuman ichki ishlar bo'limlari qoshida vaziyatni nazorat qiluvchi sition markazlar faoliyati yo'lga qo'yildi.

Raqamlashtirish va aholini ish bilan ta'minlash borasidagi ibratlari ishlarni Farg'ona shahridagi «Mash'al» mahallasiga misolida ham ko'rishimiz mumkin. 8 ming nafarga yaqin aholi istiqomat qiladigan, sharning eng gavjum nuqtalaridan biri sanaladigan ushbu mahalladagi asosiy 6 ta ko'cha



to'liq kuzatuv kameralari bilan nazoratga olingen. Buning natijasida mahallaga kim kelib, kim ketyapti, qanday begona odam yoki transport vositasi yuribdi, qayerda odamlar ko'pto'planyapti, tortishuv yoki janjal bo'lyapti – hamma-hammasini bilib olish va tezkorchora ko'rish mumkin. Shubois mahallada jinoyatchilik va huquqburzaliklar salmog'i

ham sezilarli darajada kamyishiga erishildi.

– Bir yil avval ushbu mahallaga profilaktika inspektori bo'lib tayinlanganimda jinoyatchilik salmog'i ancha yuqori edi, – deydi profilaktika inspektori, mayor Zohidjon Sattarov. – Mahalla yettiligi bilan o'zaro hamjihatlikda raqamlashtirish va aholini ish bilan ta'minlash masalalariga katta e'tibor berdik. Bu jayayonga fuqarolar va xususiy tadbirkorlarni targ'ib qilishimiz natijasida hozirgacha jami 600 taga yaqin kuzatuv kameralari o'rnatildi. Ularidan 32 tasi bevosita mahalla fuqarolar yig'ini binosidagi monitorga integratsiya qilingan. Natijada jinoyatchilik salmog'i kamayib, mahallamiz «qizil»dan «sariq» toifaga o'tdi. Joriy yilning birinchi yarmida «yashil» toifaga

«Mash'al»dagi ibratlari ishlardan yana biri shuki, mahalla hududidagi ko'p qavatli uylarning yerto'lalaridan samarali foydalananik maqsadida mikroorganik o'simliklarni yetishtirish kooperatsiyasi faoliyati yo'lga qo'yilgan. Xususan, fuqaro Tohirjon Abdusamatov imti-

maydoni 1200 kvadrat metrga yetdi. Mahalladagi 25 nafar fuqaro esa shu yerda doimiy ish bilan band.

– Dastlab faoliyatimni boshlash uchun joy va mablag' yo'q edi, – deydi tadbirkor. – Aynan mahalla yettiligining

da kasb-hunarga o'qib, bugun yaxshigina tadbirkor-ga aylandi. «Har bir oila – tadbirkor» dasturi bo'yicha unga 33 million so'm imtiyozli kredit ajratilganidan so'ng mahallada yashovchi 20 nafardan ziyod ayollarga



yozli kredit asosida dastlab 60 kvadrat metr yer maydonida ana shunday o'simliklarni parvarishlashni boshlagan bo'lsa, bugunga kelib yer

maslahatlari, amaliy ko'magi bilan tadbirkorlikni boshladim va yangi loyihamini amalga oshiryapman. Hozirda mikroorganik o'simliklardan



tashqari, yana 4 ta yerto'la qismlarida za'faron gullari va qo'ziqorin yetishtirib, qadoqlash plantatsiyasini yo'lga qo'ydim. Olingen kredit mablag'lari evaziga ushbu mahsulotlarni sanoat yo'nalishida qadoqlash uchun quritish uskunalarini sotib oldik.

«Ayollar daftari»ga kiritilgan Hakimaxon To'xtaboyeva o'tgan yili mahalla yettiligining taklifi bilan monomarkaz-

yangi ish o'rni yaratib, tikuvchilik sexi ochdi.

Bugun «Mash'al» mahallasiga borgan kishining bahri dili ochiladi. Ko'p qavatli uylar oralig'idagi bo'sh turgan yer maydonida «Yashil makon» umummilliy dasturi doirasida «Yoshlar ekobog'i» tashkil etilgan. Mahalla nuroniylari va yoshlar tomonidan bu yerga 5000 tup mevali va manzara daraxt, shuningdek, gul ko'chatlari ekilgan bo'lib, ayni bahor kunlari hudud yashillikka burkanmoqda.

Mahalla yoshlarining bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish, sport bilan muntazam shug'ullanishlarini ta'minlash maqsadida Workout maydonchalari hamda bolalar o'yingohlari tashkil qilingan. Profilaktika inspektori yoshlar yetakchisi bilan hamkorlikda hududdagi ta'lim maskanlari ga tez-tez kirib uchrashuvlar o'tkazayotgani, profilaktik tadbirlar to'g'ri tashkil qilin-gani bois voyaga yetmaganlar o'rtasidagi jinoyatchilik va huquqburzaliklar salmog'i ham kamayishiga erishildi. Joriy yilning o'tgan davrida bunday salbiy holat qayd etilgani yo'q.

Ma'lumot uchun, mahalla profilaktika inspektori, mayor Zohidjon Sattarov Oltiariq tumandidagi Poloson qishlog'ida tug'ilib o'sgan. Ichki ishlar organlaridagi xizmat faoliyatini 2011-yilda boshlagan soha fidoyisi hozirgi kunda «Mash'al» mahallasidagi xizmat uyida oilasi bilan baxtli hayot kechirmoqda.

**Abduvosit SIDIQOV,**  
**o'z muxbirimiz.**  
Farg'ona viloyati.





# HAR JABHADA SADOQAT BILAN



Binobarin, yurtimizda ayollarni asrab-avaylash, ularga hurmat ehtirom ko'rsatish, ma'naviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish, oilalarning barqarorligini ta'minlashga doimiy e'tibor qaratib kelinmoqda.

Bugun davlat va jamiyat boshqaruvi, ilm-fan, ta'lif, sog'liqni saqlash, san'at, jurnalistika va yana ko'plab boshqa sohalarni ayollarsiz tasavvur qilib bo'lmaydigan darajada ijobjiy muhit shakllandi.

IIV Madaniyat saroyida 8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan, vazirlik sohaviy xizmatlarida faoliyat yuritayotgan xodimalar, ko'p yillar davomida ichki ishlar organlarida samarali xizmat qilgan faxriy ayollar hamda xizmat burchini bajarish chog'ida mardlarcha halok bo'lgan xodimlarning oila a'zolari uchun bayram tadbiri bo'lib o'tdi.

Tadbir avvalida Ichki ishlar vaziri, general-major Aziz Toshpo'latov ichki ishlar organlarida matonat bilan xizmat qilib kelayotgan xotin-qizlarni bayram bilan qutlarkan, mustaqillik yillarda 17 nafar hurmatli ayollarimiz «O'zbekiston Qahramoni» degan olyi unvonga sazovor bo'lgan bo'lsa, ularning 7 nafari fan, ta'lif va san'at

Mamlakatimizda xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, manfaatlarini himoya qilish, Vatan taraqqiyoti va jamiyat hayotidagi o'rnni kuchaytirish borasidagi ishlar davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.



sohasi vakillari ekanini, 11 nafar ayol fan sohasidagi eng yuksak darajaga, ya'ni akademik unvoniga sazovor bo'lgani, minglab xotin-qizlarimiz davlatimizning faxriy unvon, orden va medallari bilan taqdirlanib kelayotgani el-yurtimizning ularga nisbatan yuksak ehtiromi ifodasi ekanligini ta'kidladi.

Vazirlik buyrug'i bilan taqdirlangan bir guruh ayollarga «Benuqson xizmatlari uchun» va «A'lo xizmatlari uchun» ko'krak nishonlari, Faxriy yorliq va esdalik qo'l soatlari hamda maxsus unvonlar topshirildi. Ayyom munosabati bilan Ichki ishlar vazirligi tizimida mehnat qilib kelayotgan, o'z sohasining chinakam jonkuyarlari bo'lgan munis va dilbar xotin-qizlarga ehtirom ko'rsatildi.

IIV Madaniyat saroyi Ashula va raqs ansamblini hamda elimiz ardog'idagi san'atkorlarning chiqishlari tadbir qatnashchilarida chuqr taassurot qoldirdi.

**Madina QAHHOROVA,  
o'z muxbirimiz.**





MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT DARSI

# KORRUPSIYA – HALOKATGA YO'L

Islohotlarimiz natijadorligi, avvalo, sadoqatli, fidoyi va korrupsiyaga toqatsiz yangi avlodga bevosita bog'liq. Bu ishda fikri toza yosh avlodni tarbiyalash ustuvor vazifaga aylanishi shart.

Shavkat MIRZIYOYEV

**Globallashuv jarayonida korrupsiya deb atalmish dahshatli illat bir davlat emas, butun bir mintaqaga yoki jahon taraqqiyotiga tahdid solmoqda. Deyarli har kuni ommaviy axborot vositalarida u yoki bu ko'rinishda ushbu muammo haqida bong urib gapiriladi. Lekin unga qarshi kurashish, ildiziga bolta urish qiyin kechyapti.**

Jamiyatni turli yo'llar bilan iskan-jaga oladigan bu illat – demokratiya va huquq ustuvorligi asoslariiga putur yetkazadi. Ta'bir joiz bo'lsa, qo'l bilan ushlab bo'lmaydigan, ko'zga ko'rinnmaydigan bu «chirmovuq» inson huquqlarining qo'pol ravishda buzilishiga olib keladi, iqtisodiy rivojlanishni izdan chiqaradi, jamiyat va davlat uchun o'ta xavfli bo'lgan uyushgan jinoyatchilik va terrorizmning keng yoyilishiga sharot yaratib beradi.

Joriy yilning 5 mart kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Korrupsiyaga qarshi kurashish milliy kengashi yig'ilishida ishtirok etdi. Yig'ilishda yurtimizda korrupsiyadan xoli muhit yaratish bo'yicha qilingan ishlarga baho berilib, kelgusi vazifalar belgilandi. Davlatimiz rahbari o'z nutqida korrupsiya islohotlar yo'lidagi eng katta to'siq va g'ov ekanini ta'kidladi.

Ma'lumki, so'nngi yillarda bu illatga qarshi kurashish bo'yicha qonunlar qabul qilinib, yangi tizim yaratildi. Parlament palatalarida mas'ul qo'mitalar, Korrupsiyaga qarshi kurashish milliy kengashi va Agentlik tashkil qilindi. Lekin Prezident Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi faoliyatidan mutlaqo noroziligini aytdi. Agentlik xodimlari vazirligalarga, hududlarga borib, aniq bir sohani tahlil qilib, muammolarga yechim berish o'rniiga, qo'zg'atilgan jinoyat ishlarini sanaydigan quruq statist bo'lib qolgani qayd etildi.

Yig'ilishda Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi rahbariyati korrupsiya holati eng ko'p bo'lgan tu-man sog'liqni saqlash, bandlik bo'limi yoki bank filialiga borib, holatni o'rjanmagani, yangi zamонави тизим bo'yicha taklif bermagani ko'rsatib o'tildi. Ushbu sohalar rahbarlarining o'z tizimini «korrupsiyadan xoli» qilish ishlari sustligi tanqid qilindi.

Davlatimiz rahbari topshirig'i bilan investitsiya dasturlari ustidan nazorat kuchaytirilganidan keyin o'tgan yilning o'zida 3 trln so'm iqtisod bo'ldi. Yoki sog'liqni saqlash tizimida «Situatsion markaz» ishga tushirilgani hisobiga 2024-yilda 1,2 trln so'mlik maqsadsiz xara-jatlarning oldi olindi. «Lekin nega bu ishlar Prezident topshiriq bergenidan keyin boshanishi kerak?», deya o'rinali savol qo'ydi davlat rahbari. Endi Agentlikning ish uslubi mutlaqo o'zgaradi. Buning uchun tajriba tariqasida 5 ta idora: Sog'liqni

saqlash, Qurilish, Suv xo'jaligi vazirliklari, «O'zbekneftgaz» va «O'zsuvta'minot»ning komplayens nazorati agentlikka o'tkaziladi.

**Shuningdek, Bosh vaziriga 117 ta vazirlik va idoradagi «korrupsiyaga qarshi ichkinazorat» tuzilmalari rahbarlarini ishdan olish va ularning o'rninga halol, fidoyi va professional kadrlardan qo'yish, ularga aniq vazifalarni belgilab berish topsirildi. Vazirliklarning hududiy komplayens xodimlarini bevosita vazirning o'zi ishga qo'yishi, o'ziga siyosiy mas'uliyat olib, butun tizimdagи korrupsiya uchun shaxsan javob berishi belgilandi.**

Hozirgi texnologiyalar davrida korrupsiyaning yangi, raqamli ko'rinishlari paydo bo'lmoida. Shu bois yangi o'quv yilidan Ichki ishlar va Huquqni muhofaza qilish akademiyalarida bu



keskin kamaydi. Endilikda «bodi-kamera»da faoliyat yuritishi lozim bo'lgan davlat organlari xodimlari ko'lami yanada ko'paytiladi.

Eng muhimi, jamiyatda korrupsiya muammosini jamoatchilik muhokamasiga olib chiqadigan ochiq tizim, ochiq muhit yaratildi. Ayniqsa, ommaviy axborot vositalarining bu boradagi o'rni va ta'siri ortib bormoqda. Mam-lakatimizdagi tinchlik va barqarorlikni qadrlash, kechagi kun bilan bugungi kunning farqini yaxshi tushunish, mahallada, to'y-ma'rakada ortiqcha isrofgarchilikka yo'l qo'ymaslik, halollik va shukronalik bilan hayot kechi-

va o'zlarining jinoiy sarmoyalalarini himoya qilish uchun har qanday xatti-harakatlarga tayyor turishlarini yaxshi bilib olish lozim. Shundan kelib chiqib aytish kerakki, korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari: qonuniylik; fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarining ustuvorligi; ochiqlik va shaffoflik; tizimlilik; davlat va fuqarolik jamiyatining hamkorligi; korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlar ustuvorligi; javobgarlikning muqarrarligi.

Korrupsiya – jamiyat taraqqiyoti uchun juda xavfli jinoyat. U nafa-qat xufiyona, balki korrupsiyaga doir munosabatlarga kirishgan tomonlarning o'zaro kelishuviga binoan sodir etiladi. Aksariyat hollar-da, u tegishli hokimiyat organlariga shikoyat berilishiga sabab bo'lmaydi, chunki g'ayriqonuniy kelishuvdan ikkala tomon ham naf ko'radi. Hatto pora so'rash holatlari ustidan ham kamdan-kam holda shikoyat qilinadi. Korrupsiya harakatlari odatda davlat faoliyatining mutaxassis bo'lgan kishilar tushunishi ancha qiyin bo'lgan o'ziga xos turlarida sodir etiladi va u o'ta moslashuvchan jinoyatdir.

Xulosa shuki, Prezidentimiz ta'kidlaganidek, «hammamiz yagona kuch bo'lib harakat qilsak, albatta, katta ijobjiy samaraga erishamiz. Shu bois mahalla faollari, nuroniylar, ziylolar, yozuvchi va shoirlar, san'at va madaniyat xodimlari, tadbirkorlar, taniqli shaxslar, rahbarlar, deputat va senatorlar – umuman butun ja-moatchilik birlashib, korrupsiyaga «jamiat tanasidagi saraton» sifatida qarashi kerak». Shundagina bu illatning ildiziga bolta urish mumkin.

**O'z muxbirimiz Sarvar SOBIROV tayyorladi.**



yo'nalishda mutaxassis tayyorlash boshlanadi. Lekin bunday turdagi jinoyatlarni aniqlash va oldini olishda faqatgina zamонави kadrlarning o'zi yetarli emas. Xalqaro tajribani o'rganib, kiberkorrupsiyaga qarshi samarali kurashish bo'yicha mustahkam huquqiy baza yaratish zarur. Mansabdorlik va maishiy korrupsiya omillarini tahlil qilish, ularning oldini olish bo'yicha ilmiy asoslangan takliflar ishlab chiqib, amaliyotga joriy qilish zarurligi ta'kidlandi.

Yana shuni alohida aytish o'rinali, yo'l harakati xavfsizligi inspektorlari «bodi-kamera»da xizmat o'tayotgani, avtoraqamlar auksionda sotilayotgani, qog'ozdagi bayonnomma yo'q bo'lgani uchun korrupsiya omillari

rishni tushuntirish ishlari bo'yicha jamiyatimizda yaxshi tajribalar yetishmasligi qayd etildi.

**Ilgari korrupsiya mavzusi jurnalistlar uchun mutlaqo yopiq edi. Hozirgi vaqtda mavjud holat ochiqlik va shaffoflik tomonga butunlay o'zgardi. Ochiqlik bo'yicha xalqaro reytinglardagi mamlakatimizning o'rni 138 pog'onaga yaxshilanib, Markaziy Osiyoda birinchi, dunyoda 30-o'ringa ko'tarildi. «Takror va takror aytaman: biz ochiqlik siyosatini, so'z erkinligi g'oyalarini hayotga tatbiq etishda hamisha qat'iy bo'lamiz!», dedi davlatimiz rahbari.**

Nopok yo'l bilan boylik ortig'anlar jazodan qutulib qolish



Maqolani  
qoraqalpoq tilida  
o'qish uchun  
QR-kodni skanner  
qiling.

В преддверии 95-летия

## ОН ПОНИМАЛ СИЛУ СЛОВА

Талантливый журналист Леонид Петрович Кияшко долгие годы проработал в Объединенной редакции. Он доносил до читателей информацию о деятельности служб и подразделений, рассказывал о лучших сотрудниках правоохраны. В его статьях чувствовалась искренность заинтересованность, глубокое погружение в материал и уважение к героям публикаций.



Родился Леонид Петрович на Украине. Журналистскую деятельность начал при редакторе Зокире Атаеве в начале 2000-х годов. В это время в коллективе трудились такие профессионалы, как Александр Воргудяев, Пётр Шатрашанов и многие другие. Между сотрудниками царило доверие и взаимовыручка, а каждый номер газеты был результатом совместной работы, кропотливой проверки фактов и живого, увлеченного обсуждения.

Л. Кияшко был не только авторитетным корреспондентом, но и наставником для молодых сотрудников. Его советы, точные замечания и доброжелательная критика помогали коллегам расти профессионально. Он мог сидеть часами над материалом, доводя его до идеала, и всегда был готов поддержать коллегу, если у того возникали трудности. Кияшко не знал, что такое формальный подход – для него каждая статья была важна.

Человек с чувством высокой ответственности, он готовил интересные, глубокие материалы – очерки, репортажи, интервью, которые читались на одном дыхании. Они всегда отличались тщательным анализом темы, объективностью и точностью. Подача информации была своевременной, оперативной.

Леонид Петрович глубоко осознавал значимость профессии журналиста. Он понимал силу слова, стремился делать свою работу на самом высоком уровне.

Соб. корр.

Поклон героям тыла

## СТОЙКОСТЬ ХАРАКТЕРА

Ветераны тылового фронта Второй мировой... Самоотверженным трудом они ковали победу над врагом, обеспечивали армию всем необходимым.

В махалле Хиёбон Ташкентского района столичной области живет заслуженный аксакал – Гаяз Гараевич Ильясов. Немало повидал он на своем веку.

Родился Гаяз-ота в 1927 году в селе Азнакаево (Татарстан). Его отчество совпало с суровыми военными годами. Подростком, наравне со взрослыми, трудился у станка на заводе в Казани. Как и его сверстники, работал в тяжелейших условиях. Это, видимо, закалило его характер, научило быть сильным духом.

После войны судьба привела Г. Ильясова в Узбекистан.

Здесь он поступил на службу в пожарную охрану. Ответственность и решительность сделали его командиром отделения ВЧПБ в Ташкенте. Он не раз участвовал в ликвидации пожаров повышенной сложности, заслужил среди коллег авторитет отважного огнеборца.

Сегодняуважаемый ветеран окружен заботой родных и близких.

– Папа в почтенном возрасте, – рассказывает дочь ветерана Халида Гаязовна. – Он много времени проводит в окружении детей, внуков и правнуоков. В нашем доме

часто бывают сотрудники органов внутренних дел. Руководство ГУВД Ташкентской области проявляет к отцу постоянное внимание.

Гаяз-ота, с мудростью прожитых лет, говорит: «Пусть на благодатной земле будут мир и благополучие, пусть дети не видят тех лишений, что выпали на нашу долю».

Ветераны – символ стойкости и любви к Родине. Оказывать им поддержку и заботу – наш долг.

Радик ТУМПАРОВ,  
соб. корр.  
Ташкентская область.

## Хорезмская область



Сотрудники отдела информационных технологий, связи и защиты информации УВД области эффективно обеспечивают обмен данными, касающимися деятельности органов внутренних дел.

В центре их внимания вопросы безопасности данных, широкого внедрения IT в систему.

На сегодняшний день на современных компьютерных устройствах используются более 80 прикладных программ. Благодаря этим технологиям наложен обмен информацией между подразделениями через защищенные сети связи.

– В Ситуационный центр интегрировано более 1900 интеллектуальных видеокамер, – говорит начальник отдела информационных технологий, связи и защиты информации УВД области подполковник Сардор Норбоев. – Большая их часть установлена в махаллях, на оживленных участках городов и районов, на объектах туризма. Наши сотрудники постоянно контролируют исправность работы устройств видеонаблюдения.

Осуществляется целенаправленная работа по дальнейшей интеграции камер, расположенных в махаллях, с опорными пунктами, ведется их установка у многоквартирных жилых зданий в рамках реализации программы «Безопасный город» на основе плана-программы.

Внедрение современных технологий в деятельность органов внутренних дел способствует повышению эффективности деятельности по укреплению правопорядка и обеспечению общественной безопасности.

Худойберган ЖАББОРОВ,  
соб. корр.

На снимке: подполковник Сардор Норбоев с главным специалистом майором Муродом Давлетовым и старшим инженером сержантом Бекзодом Хусиновым.



 QO'SHQANOTLAR

# BAXT VA TOTUVLIK OSHYONI

**Muhabbat va orzular g'unchalaydigan yoshlik yillarida hissiyotlarga berilmay, to'g'ri qaror qabul qila olish baxt ostonasi tomon eltadi. Uchqo'rg'on tumani IIB huzuridagi Tergov bo'linmasi tergovchisi, katta leytenant Mushtariybegim Xolmuhammadova va Uychi tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, katta leytenant Isomiddin Rahimovning hayot yo'llari tutashgan.**

– Turmush o'rtog'im bilan bir mahallada ulg'ayganmiz, bir maktabda tahsil olganmiz, – deydi Mushtariybegim. – Keyin Naman-gan davlat universiteti qoshidagi akademik litseyni ham birin-ketin bitirdik. IIV Akademiyasiga o'qishga kirganimda, Isomiddin aka 3-kursda o'qirdi. Ochig'i, uydan olisda bo'lganingda, mahalladoshing, maktabdoshing ko'zingga boshqacha ko'rinish ketarkan. Oldinlari uncha gaplashmagan bo'lsak-da, o'qish payti hol-ahvol so'rav, xabardor bo'lib turardilar. Qalbimdag'i mehr qachon muhabbatga aylanganini sezmay ham qoldim, – deydi u. – Mana hozir baxtli oilalar safidamiz. Yaqindan ko'mak berayotganlari uchun ham qiyinchiliklar uncha bilinmaydi.

Yosh bo'lsa-da, soha yo'nali-shidagi bilimlarni puxta egallagan Mushtariybegim joriy yil boshidan buyon 13 ta jinoyat ishini tergov qilib, ko'rib chiqish uchun sud muhokamasiga yubordi. Tergov qilingan materiallar mohiyatini firibgarlik, o'g'irlik, giyohvandlik vositalarini qonunga xilof ravishda

saqlash, yo'llarda harakat xafsizligini buzish, kiber yo'naliishi bo'yicha plastik kartadan yashirin ravishda pul o'marish kabi jinoyatlar tashkil etadi.

Isomiddin Rahimov xizmat olib borayotgan Uychi tumanidagi «Umid» mahallasi ham «yashil» toifada. Bu ko'satkichga erishishning boisi, birinchi galda, uning mahallada osoyishtalikni saqlash, targ'ibot ishlarini olib borishdagi jonkuyarligidan, deyish mumkin.

Yosh oilani qo'llab-quvvatlash va jajji Muhammadaminning tarbiyasi bilan Isomiddinning onasi Hilola opa shug'ullanadi.

– Oila baxt-saodati uchun ko'pnarsa kerak emas, oilaning har bir a'zosi bir-birini o'zaro tushunsa va qo'llab-quvvatlasa, hammasi yaxshi bo'ladi. Kelnim epchil, orasta, hurmatimni joyiga qo'yadi. Ham ishni, ham oilani eplash oson emas, barchasini uddalashga harakat qilyapti, – deydi onaxon biz bilan suhbatda. – Farzandlarimiz baxtli yashashi uchun qo'limdan kelgan yaxshilikni qilishga tayyorman.



Ha, bugun ichki ishlar organlari safida Isomiddin va Mushtariybegim kabi baxtli juftliklar safi ko'payib bormoqda. Ularning jamiyat rivoji, tinchlik-osoyishtaligi yo'lida olib borayotgan xizmatlari, ahillik va hamjihatlik bilan ham

oilada, ham xizmatda bir-birlarini qo'llab-quvvatlayotgani tafsinga loyiq.

**Gulchehra BUVAMIRZAYEVA,  
o'z muxbirimiz.**

Namangan viloyati.

## YPX FAOLIYATIDAN



**T**oshkent shahar IIBB YHXB YPX brigadasi maxsus batalyon alohida safarbar otryadi YPX inspektorlari – kichik serjant Sherzod Topkanov va safdar Odil Toshquvvatov ichki ishlar organlarida 5 yildan buyon xizmat qilishmoqda.

Poytaxtimizning Cho'lpion va Yangi O'zbekiston shoh ko'chalarida o'tkir nigoh ila yo'llarda harakat xavsizliginii ta'minlayotgan kichik serjant Sh. Topkanov va safdar O. Toshquvvatov qoidabuzarlarga nisbatan chora ko'rmoqda. Bular orasida spirtli ichimlik iste'mol qilgan holda avtoulov boshqarish, svetoforning qizil chirog'ida harakatlanish yoki piyodalar o'tish yo'lakchasida piyodani o'tkazib yubormaslik kabilalar bor. Shuningdek, ularning har ikkisi ham bittadan qidiruvda bo'lgan shaxsnani aniqlashga muvaffaq bo'lgan.

Ikki hamkasbning qoidabuzarlarga o'z vaqtida ko'rgan chorralari tufayli haydovchilar tomonidan sodir etilishi mumkin bo'lgan qanchadan-qancha yo'l-transport hodisalarining oldi olinmoqda.

**O'z muxbirimiz.**

▶ ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

## ҲАЁТ СИНОВИДА ТОБЛАНГАН АЁЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

У Москва шаҳридаги собиқ иттифоқ ИИВ Академиясини битирган биринчи ва ягона ўзбек аёли. 2004–2009 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритган ички ишлар органлари тизимидан чиқсан биринчи аёл ходималардандир. Шу билан бирга, ИИВ Академияси тарихида (1996–2000) илк бор Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлиғи бўлиб хизмат қилган. Илгари бундай кафедра бўлмаган, унинг яратилишига сабабчилардан бири ҳам айнан Сораҳон Аҳмедовадир. У барча ўкув-методик материалларни ёзиб, машинкада териб, кеча-ю кундуз ишлаб, икки тилда ўкув базасини яратган. Бу улкан меҳнатни талаб этарди.

Лавҳамиз қаҳрамони 2018 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, 2020 йилда эса «профессор» илмий унвонини олди. С. Аҳмедова кўплаб ҳалқаро электрон журнallарнинг таҳрир ҳайъати аъзоси, 120 дан ортиқ илмий, ўкув-услубий ишлар муаллифи (шундан 12 таси дарслик, 6 таси ўкув қўлланма, 5 таси монография). Ҳаммуаллифликда рус ва ўзбек тилларида Ўзбекистон Республикаси

Конституциясига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шарҳлар тайёрлаган.

Тинимсиз меҳнатлар ҳеч қаҷон бесамар кетмайди. Яқинда Президентимизнинг «8 март – Ҳалқаро хотинқизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Сораҳон Аҳмедова II дараҷали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

Ҳа, у том маънода муносиблар ичра муносиб эди. Олимага мукофот мамлакатимиз равнақи, юртимиз ҳуқуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлаш ва соҳага муносиб кадрлар тайёрлаш йўлидаги фидокорона меҳнати ҳамда келажак авлод тарбиясидаги бекёс хизматларининг юксак эътирофи сифатида тақдим этилди.

– Ички ишлар органларида салкам 50 йилдан бери меҳнат қилаётган бўлсам, шундан 40 йилга яқини ИИВ Академиясида ўтмоқда. Шогирдларим кўп. Минглаб битириувчиларга билим, таълим-тарбия бердим. Бу, албат-

та, жуда катта баҳт. Мукофотланганим тўғрисидаги хабарни ҳам айнан шогирдларимнинг қўнғироқлари орқали эшилдим. Ҳамкасларим ҳам қизғин кутлашди. Ишонасизми, бир дақиқа ичиди бутун ҳаётим, фаолиятим кўз олдимдан ўтиб кетди. Меҳнатлар барибир қадрланаркан. Бугунги кунда менга жондан азиз бўлиб қолган қадрли Академиямиз чукур билимли, фидойи, ватанпарвар профессионал кадрларни тайёрламоқда. Даргоҳ нафақат республика, балки Марказий Осиё ва кўплаб хорижий давлатлар томонидан ҳам эътирофлар-

га сазовор бўлган. Ушбу жараёнда, ИИВ улуғ таълим даргоҳида иноқ жамоа билан ишлаетганимдан мағрурланаман. Бу эътирофи уларга ҳам берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Она Ватанимга, Президентимга садоқат билан хизмат қилиб, бор куч-ғайратим, шиҷоатимни аямай ҳаракатда давом этаман, – дейди қаҳрамонимиз.

Професор С.Аҳмедова оиласидаги ягона қизнинг онаси,

икки набиранинг меҳрибон бувижониси. Қизи Малика Аҳмедова ҳам илмий йўналишдан бориб, 2022 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий унвонига эга бўлган. Ҳозирда у Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида кафедра мудири лавозимида фаолият юритмоқда. Бувисининг касбига қизиқиши уйғонган набираси Шаҳзода Аҳмедова эса ИИВнинг 1-сонли Тошкент академик лицейи 1-босқичида таҳсил олмоқда.

**Аброр ПОЁНОВ,  
ӯз мухбири**


▶ ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

## «УСТОЗИНГ КИМ?» ёхуд изқуварлар сардори

**Ички ишлар органларида чорак асрдан ортиқ хизмат қилган истеъфодаги майор Гадоймурод Юсупов оддий милиционерликдан жиноят қидириув бўлинмаси бошлиғигача бўлган машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди.**

Қамаши туманида туғилган Гадоймурод ҳунарманд Дўсиёр ота ва Холчучук момонинг тўрт фарзанди орасида ёлғиз ўғил бўлиб улғайди, Тошкент политехника институтини тамомлади.

1979 йилдан «Талимаржон» алоҳида милиция батальонида хизматни бошлаган Гадоймурод Юсупов орадан икки йил ўтиб, Тошкент ўрта махсус милиция мактабида ҳам ўқиди. Қарши шаҳридаги 1-сонли комендатурада тезкор вакил лавозимида хизмат қиларкан, устозлари – ҳозирда истеъфодаги подполковниклар Маҳмуд Хонов, Ботир Жумаевлардан олган ўғитлари, қаҳрамонимизга кейинги беш йил давомида мазкур комендатурада бошлиқ бўлиб ишлашида қўл келди.

Хизматдан ажralмаган ҳолда, Тошкент олий милиция мактабида олий маълумотга



эга бўлгач, Қарши шаҳар ИИБда тезкор вакил, катта тезкор вакил лавозимида кўплаб жиноятларнинг фош этилишига муносиб ҳисса қўшди. Профилактика катта инспектори сифатидаги уч йиллик фаолият эса Гадоймурод Юсуповни қайтадан тоблади. Касбий маҳорат ва салоҳиятини ошириди.

Қамаши ва Нишон туманларида ИИБ ЖҚБ бошлиғи бўлиб фаолият юритган йиллар янада самарали кечди. Шу лавозимдан 20 йил илгари фахрийликка чиқсан тажрибали изқувар ёш ходимларга касб сирларини ўргатиб, устозлик мақомига эришди. Айни чоғда истеъфодаги подполковник Норпўлат Ҳамроев, подполковниклар Нурилла Омонов ва Маҳмуд Мамашоев уни устоз дея эъзозлашади.

Бу йил 70 ёшни қаршилаётган майор Гадоймурод Юсупов турмуш ўртоғи Марзия опа билан 5 нафар фарзандни олий маълумотли қилиб, тарбиялашди. Ҳозир улар турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

– Ёш ходимга устоз маслаҳати жуда зарур бўлади, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Мен ҳам мураккаб вазиятга тушиб қолсам, дарров устозларимдан маслаҳат сўрардим. Улар айтган тавсияларга амал қилсам, вазият изига тушиб, ишим юришиб кетарди. Шу боис бугун ёш ходимлар билан гаплашсам, «Устозинг ким?» деб сўрайман. Бирор ишни бошлашдан олдин устоз-муррабийлардан маслаҳат сўраш кераклигини ўтираман.

**Содик РАҲИМОВ,  
ӯз мухбири**

Қашқадарё вилояти.

Tuman IIBda

## SAXOVATLI ZAMIN POSBONLARI

Konimex tumanining tabiat betakror, zamini saxovatli. Aholisi esa qadimiy an'analarni zamonaviy urf-odatlar bilan uyg'unlashtira olgan. Bu maskanga qadam qo'ygan har bir inson ularning mehr-muhabbati, bag'rikengligi, mehmondo'stligi va samimiyligini darhol his qiladi.

### OBODLIK MAHALLADAN BOSHLANADI

Tumanda 10 ta mahalla va 5 ta ovul fuqarolar yig'ini mavjud. Hududiy profilaktika inspektorlari aholi o'rta-sida muntazam ravishda targ'ibot-tashviqot ishlari ni olib borishadi. Ularning odamlarning turmush sharoitini, ijtimoiy muammo-larini o'rganishi natijasida jinoyatchilik va huquqbu-

zarliklarning barvaqt oldi oliniyapti.

«Hamkorlikda hikmat ko'p» deb bejiz aytishmaydi. Mahalla yettiligining bir-galikdagi sa'y-harakatlari natijasida joriy yilning o'tgan davrida umuman jinoyat sodir etilishiga yo'l qo'yilmadi. Birorta ham mahalla yoki ovul «qizil» toifada emas.



«Xavfsiz mahalla», «Xavfsiz yo'lak» tamoyillari asosida hududda kameralashtirish hamda ijtimoiy profilaktika ishlari jadal sur'atlarda olib borilyapti. Xususan, tumanining aholi gavjum joylari va ko'p sonli fuqarolar istiqomat qilayotgan mahallalarida 60 ta shaxsnı qiyofasidan tanib oluvchi kuzatuv kameralari o'rnatildi. Shuningdek, 20 ta xonodon hamda 5 ta ijtimoiy obyekt markazi qo'riqlash pultiga ulandi.

Bundan tashqari, tumanda jinoyat sodir etishga moyil, zararli odatlarga ruju qo'ygan, probatsiya nazoratida bo'lgan, muqaddam sudlangan hamda ijtimoiy ahvoli og'ir, ish bilan ta'minlanmagan fuqarolar ro'yxati shakkantirilib, ular bilan keng qamrovli profilaktik ishlar olib borilmoqda. Tuman markazidan 250 km masofada joylashgan «Uch-tobe» ovul fuqarolar yig'ini ham bunga yorqin misol bo'la oladi.

### MAQSAD – ADOLATNI QAROR TOPTIRISH

Tuman IIB huzuridagi Tergov guruhi xodimlari uchun qonunlarni puxta bilishning o'zi yetarli emas. Ular inson ruhiyati sirlaridan ham xabardor bo'lishlari darkor. Bu jinoyat zamirida yotgan sabab va omillarni anglash demakdir.

Gohida shubha-gumonlar ko'p, dalillar oz bo'ladi. Bunday vaziyatlarda ham tergovchilar har bir de-talni, jihatni sinchiklab o'rganadilar. Guvohlarni so'roq qilish jarayonida hatto arzimasdek tuyulgan tafsilotni ham tahsil qilib, bir-biriga bog'lab, pirovard nati-jada haqiqatning tubiga yetishadi. Bu – mehnat, topqirlik, zukkolik, tajriba va sabr-toqat talab qiluvchi mashaqqatlari yo'l.

«Navro'z» mahallasida yashovchi 20 yoshli Nurseyt mahalladoshi bo'lgan tadbirdorning oilasini uzoq vaqt kuzatdi. Niyati qulay paytda g'arazli rejasini amalga oshirish edi. Nihoyat u kutgan fursat keldi – xonardon ahli sanatoriya dam olgani ketishdi. Nurseyt qo'shni viloyatdagi

tanishining mashinasini ijaraqo oldi. Yarim kechasi mahalladoshining uyidan muzlatkich, isitkich, televizor, xullas qo'liga ilingan buyumlarni olib, mashinaga yukladi.

Odamlarni chalg'itish uchun boshqa ko'chalardan aylanib uyiga bordi. Bir necha kundan keyin qarindoshlariga muhtojlikdan sotyapman deb



o'g'irlangan mollarni sotib yubordi. Tuman IIB huzuridagi Tergov guruhi tergovchisi ham, ekspert ham holatni o'rganish jarayonida xonadondon biror arzirli ashyoviy dalil topisholmadi. Chunki xonodon egalari ancha vaqt o'tib holatni bildirishgan edi. Shundan so'ng bir oy ichida mahalladagi va unga yaqin hududlardagi kameralar tasvirlarini sinchiklab ko'zdan kechirishdi. Shu tariqa jinoyat fosh etildi.



### ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA

Tuman IIB Migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish guruhi xodimlari joriy yilning o'tgan davri mobaynida 80 nafar o'g'il-qizga ilk marotaba ID-kartalar topshirildi. Bundan tashqari, 777 nafar fuqaroga muddati tugaganligi va boshqa sabablarga ko'ra ID-kartalar rasmiylashtirib berildi.

Nairyagrigoryan oilasi bilan tumanning «Sho'rko» mahallasida istiqomat qiladi. Ayrim sabablarga ko'ra, ko'p yillardan buyon uning fuqaroligi bo'lmagan. Xalqaro xotin-qizlar kuni arafasida Nairyagrigoryan opa O'zbekiston fuqaroligiga qabul qilindi.

– Tuman hududidagi ayrim korxonalarda chet elliklar ham faoliyat olib borishadi. Shuning uchun ularning o'z vaqtida ro'yxatdan o'tishini muntazam nazoratga olganmiz. Qonun-

chiligidizga zid holda istiqomat qilayotgan yoki ishlayotgan chet el fuqarolari nisbatan tegishli chora ko'ramiz. Massalan, yaqinda O'zbekistonda bo'lish qoidalarini buzgan 8 nafar xitoylik fuqaroga nisbatan ma'muriy chora ko'rildi. Bunday qoidabuzarlikni bir necha marta sodir etgan bir nafar chet ellik fuqaro mammakatimiz hududidan chiqarib yuborildi, – deydi katta mutaxassis, kapitan Amin Hikmatov.

Hozirgi kunda boshqa jabhalarda bo'lgani singari, sohada ham hujjatlashtirish jarayonlari zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalar yordamida amalga oshirilmoqda. Bu esa fuqarolar uchun qulaylik yaratib, ortiqcha sarsongarchilik va vaqt yo'qotishning oldini olyapti.

### YO'L QOIDANI YOQTIRADI

Yo'llarda harakat xavfsizligini ta'minlash, yo'l-transport hodisalarining oldini olish maqsadida tuman IIB Yo'l harakati xavfsizligi guruhi xodimlari haydovchilar va piyodalar o'rta-sida muntazam ravishda targ'ibot ishlari olib borishyapti. Bundan tashqari, xavfli yo'l hududlarini o'rganib, muammolarni bartaraf etishmoqda.

– Yo'llarda harakatlanish xavfsizligini ta'minlash bilan bir qatorda, yo'l belgililarini va svetoforlarni o'rnatish, yo'l chiziqlarini tortish bo'yicha boshqarmaga taklif va xulosalar beramiz. Asosiy maqsadimiz qoidabuzarlarga jarima solish emas, balki birinchi galda aholining yo'llarda harakatlanish madaniyatini oshirish orqali ularning xavfsizligini



ta'minlash, – deydi tuman IIB YHXG katta inspektori, mayor G'aybull Shod-monov.

Xulosa qilib aytganda, tuman IIB xodimlari Konimex aholisining tinchlik-osoyishtaligini ta'minlashni o'zining sharafla burchi deb biladi. Ana shu ezgu maqsad yo'lida sidqidildan xizmat qilishmoqda.

**Mahliyo XOLOVA,  
o'z muxbirimiz.**

Navoiy viloyati.



[www.postda.uz](http://www.postda.uz)



[t.me/postdarasmiy](https://t.me/postdarasmiy)



[www.facebook.com/postdauz](https://www.facebook.com/postdauz)



[www.instagram.com/postda\\_uz](https://www.instagram.com/postda_uz)

СИЗ КУТГАН СУХБАТ



— Истеъдоди ва бор имкониятларини санъатга бағишилаган устоз санъаткор сифатида халқимизга танишсиз. Бугунги шиддатли даврда санъатнинг вазифаси нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Театр нафакат ибратхона, балки маънавият, маданият ўюфи. Ана шу даргоҳда меҳнат қилаётган барча ижодкорлар унинг чинакам тарғиботчилариdir. Улар бугунги кун нафасини сезиб туриши шарт. Санъаткор учун бефарқлик, беэтибор бўлиш энг катта хатодир. Театр эса чиройли, мазмунли турмушнинг андазаси. Ундан керакли хулосани чиқариш ҳар бир инсоннинг ўз кўлида.

— Театр мавзусида сўз юритилса, аксарият актёр, актисалар кайфиятида янада жонланиш пайдо бўлади. Шундай эмасми?

— Театр — ҳаётимни бағишилаган муқаддас даргоҳ. Меҳр қўйиб, 51 йилдан бўён боримни бериб, меҳнат қилаётган муazzам гўша. Мен театрсиз умримни тасаввур эта олмайман. Бу сирли ва сеҳрли даргоҳнинг саҳнасида қайнок ҳаёт бор.

— Санъатсевар халқимиз «Парвона» спектаклини, Назокатни бошқача меҳр билан ёдга олади. Ушбу қаҳрамонингизнинг яратилиши, умуман, шу саҳна асари ҳақида гаплашсак.

— Мен санъатга жуда ёш кирганман. Турмуш ўртоғим Турғунбек Иброҳимбеков курсдошим бўлгани, уларнинг энг биринчи галда касбимни тушунгани катта ютуғимдир. Қолаверса, санъатда бир чимдим омад ҳам керак.

Ўша кезлари мухлислар кўча-кўйда, тадбирларда Назокат, дея аташгани ҳам рост. Аслида «Парвона» спектаклида Назокатни менгача Ирода Алиева, Римма Аҳмедова, Рихси Иброҳимова ўнаган. Мен театрга келганимда, бу асар репертуардан олинган эди. Кейин

**Чин истеъдод эгалари яратган севимли қаҳрамонлар қайноқ қалбларга кўчади. Ўзига хос ижролари билан танилган, театр саҳнасида иштиёқ билан меҳнат қилган, катта ҳаётий ва ижодий тажрибага эга устоз санъаткор — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси, Ўзбек миллий академик драма театри актрисаси Гулчехра Иброҳимбекова бугунги сұхбатдошимиз.**

яна томошибинларнинг талаб ва таклифлари асосида ўша вақтдаги театримизнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев томонидан қайта тикланган. Дастрлаб Юлдуз, кейинчалик Назокат ролини ижро эта бошлаганман. Назокат роли устида Баҳодир aka билан бир йил ишлаганмиз. Мазмун-моҳияти чукур бўлган ушбу асар ижодимда алоҳида ўрин эгаллаган.

— «Бегона баҳор» фильмининг муваффақиятини нималарда кўрасиз?

— Ҳар доим таклиф қилинаётган сценарийни синчиклаб ўқиман. Партиёларга алоҳида аҳамият қаратаман. «Бегона баҳор»да ҳам шундай бўлган. Сабаби, Анвар Собиров — қўшиқчи, Наргиза Абдуллаева —

рақкоса. Фильм режиссёри Иброҳим Расуловга эътироз билдирганимда, «Нима десам, улар бажаришади, асадаги дардни ҳис қилиб, етказиб бера олишади», дея сўзида маҳкам туриб олиб, ваъда қилгач, унаганман. Фильмнинг 50–60 фойизини беш кунда тасвирга олганимиз.

Фильмнинг омади — ижронинг ҳаётийлиги, етти ўшдан етмиш ёшгача бўлган томошибинга мослигида бўлса керак. Айтганча, вақт югурук дегани шу бўлса керак, яқинда ушбу фильмнинг яратилганига йигирма йил тўлди.

— Инсоний фазилатларни томошибин нигоҳида кўришни истаган санъаткор нималарга аҳамият қаратилиши зарур?

— Актёр саҳнадаги қаҳрамонининг дарди, қувончу шодлиги билан яшайдиган матонат эгаси бўлиши лозим. У халқдан қиёфа, фикр,

сўз, қувват олади ва бадиий бўёқлар қўшиб, саҳна орқали яна халқа қайтаради. Талабчан томошибин ўзидан олингани ўз ҳолича қайтарилисагина қабул қиласди. Саҳнада зўрма-зўракилик, бўрттириш, юзакилик кетмайди. Ана шу тоза, покиза туйгуларни мухлислар қалбига етказиб берганларгина санъаткор деган улуғ номга мушарраф бўлади.



— Китобхонлик борасида қандай фикрдасиз?

— Китоб ҳақида сўз очилса, онамнинг қиш кунларидан танча атрофида бизга эртаклар ўқиб бериши кўз олдимга келаверади. Оила-да беш фарзанд бўлганмиз. Онам 17 ёшида оила қуриб, кейин тибиёт техникумida ўқиган. Аммо биз фарзандларга мурғакликдан китобга бўлган меҳр, қизиқишини ўйфота олган. Шу боис китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Талабалигимизда устозларимиз узундан-узун адади.

— Томошибинлар қаршиисига яна қандай роллар билан чиққингиз келади? Ҳозирга қадар кўнглимда-

биётлар рўйхатини кўлимизга тутқазарди. Вақти келганида асарларни бирма-бир ўқиб топширадик. Ўшанда транспортда кетаётими, бекатда автобус кутиб ҳам китоб ўқиганман. Ва бунинг учун талабчан устозларимдан миннатдорман. Бугун баъзи ёшлар ҳатто ўрта ва катта ёшдагилар ҳам телефон, интернет, инстаграм билан чалғиб, ўз вақтини ўзи ўғирлаб, китоб мутолаасини бир четга суруб қўяётгани нотўғри, деб биламан.

— Устозлар соғинчини шогирдлар меҳри тўлдириди, дейишади. Бу фикрга сизнинг муносабатингиз.

— Санъатдаги яна бир энг катта омадим саҳна санъатини кўкка кўтарган Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Икрома Болтаева, Рихси Иброҳимова сингари устозлар қўлида тарбияланганим ва бир саҳнада роль ижро этганим, деб биламан. Бу устозлар биттагина сўз маъносини, талафузини томошибинга тўғри етказиб бериш учун ҳафталаб машқ қилганини кўрганман.

Улар ролларни шунчаки ижро этишмаган. Образларида ҳарорат ва виждан нафаси уфуриб турарди. Биз ҳам улардан ибрат олишга, ролимизни камчиликлардан холи ўнажаша ҳаракат қиласди. Саҳнада, ижодда эканман, устозларим ҳамиша ёдимда, ёнимда эканлигини ҳис этаман. Ўзим ҳам ёшларга улардек устоз бўлишга, тўғри йўл кўрсатишига ҷоғланман.

— Томошибинлар қаршиисига яна қандай роллар билан чиққингиз келади? Ҳозирга қадар кўнглимда-

ги образни яратади олдим, деб айта оласизми?

— Ҳар бир ролим фарзандимдек азиздир. Чунки уларнинг ҳеч бирини шунчаки ўйнамаганман. Очифини айтсан, «Қароқчилар»да Амалия, «Лукаш ботир»да Маргарита, «Йўлчи юлдуз»да Гулсанам сингари ўнлаб ролларни ижро этдим. Аммо «Бой ила хизматчи»да Жамила ролини ўнажаш армон бўлиб қолган.


Ҳозирда «Ота», «Мени сев» сериалларида роль ижро этганим. Телеканалларда эфирга бериб бориляпти. Актёрлар жамоаси яхши шакллантирилган. Мавзува фоя яхши танланган. Энг муҳими, мухлисларнинг турли тадбир, учрашувларда ва ижтимоий тармоқлар орқали билдириётган фикрларидан томошибинларга маънавий озуқа бера оляпмиз, деб ўйлайман.

— Газетамизнинг асосий муштариylари ички ишлар органлари ходимлари бўлганлиги боис, улар ҳақида фикрингиз қандай?

— Ички ишлар органлари ходимларига бўлган ҳурматим чексиз. Чунки уларнинг фидойилик билан олиб бораётган хизматлари туфайли биз хотиржамиз. Юртимизнинг чекка-чекка шаҳару қишлоқларига маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш учун борамиз. Ходимлар худди ўз фарзандларимиздек эъзоз кўрсатишиади. Бундан хурсандман. Шундай шарафли хизматлари ўзларига, ота-онаси ва яқинларига ҳурмат, иззат-икром бўлиб қайтишини хоҳлайман.

— Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА сұхбатлашди.



«Парвона» спектакли.



«Бегона баҳор» фильми.





Урок духовности и просвещения

# КОРРУПЦИЯ – ПУТЬ К КАТАСТРОФЕ

**Коррупция способна подорвать основы общества, препятствует здоровой конкуренции, разрушает доверие граждан к государственным институтам, порождает чувство несправедливости.**

Республика Узбекистан реализовала значительные реформы в сфере противодействия коррупции. Эти меры направлены на укрепление институциональных и правовых основ, создание антикоррупционных механизмов, повышение прозрачности государственного управления и активизацию международного сотрудничества.

Закон «О противодействии коррупции» стал важным шагом в построении национальной антикоррупционной политики.

В соответствии с требованиями Конвенции ООН против коррупции в стране внедрена практика разработки и регулярного обновления (каждые два года) государственных программ по борьбе с коррупцией. Они формируются на основе анализа текущей коррупционной ситуации. Активные антикоррупционные инициативы выявили пробелы как в законодательстве, так и в право-применительной практике, что вызвало необходимость принятия Закона «Об антикоррупционной экспертизе нормативно-правовых актов и их проектов».

Международные рейтинги и индексы по противодействию коррупции – «Transparency International», «Верховенство права», «Открытость правительства», отражая динамику антикоррупционных реформ, также указали на необходимость пересмотра понимания коррупции и ее масштабов. Для устранения недостатков были внедрены этические стандарты к профессиональному поведению госслужащих, принят Кодекс профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел. Налажена работа электронной системы госзакупок «E-xarid», порталов правительственные решений «E-qaror», общественного обсуждения законопроектов «regulation.gov.uz», открытых данных «data.egov.uz». Внедрены механизмы внутреннего антикоррупционного контроля, разработана система антикоррупционного менеджмента в соответствии с международ-

ным стандартом ISO 37001, рейтинговая оценка эффективности антикоррупционной деятельности госорганов.

Значительным шагом стало принятие Закона «О конфликте интересов», предусматривающего обязательное декларирование потенциального конфликта интересов при обращении в государственные органы.



**«Если мы все объединим усилия, то обязательно добьемся значительных положительных результатов. Именно поэтому активисты махалли, старшее поколение, интеллигенция, писатели и поэты, работники сферы искусства и культуры, предприниматели, известные деятели, руководители, депутаты и сенаторы – вся общественность должна стать единым целом и рассматривать коррупцию как «язву на теле общества».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

**В**ыступлении на заседании Национального совета по противодействию коррупции, состоявшемся 5 марта текущего года, Президент Шавкат Мирзиёев подчеркнул, что борьба с коррупцией является постоянным процессом, обозначил актуальные вопросы и перспективные задачи в этой сфере.

Президент заявил, что коррупция является серьезным препятствием на пути реформ. Глава государства представил 55 инициатив, в рамках которых будут разработаны 5 законов, 12 указов и постановлений, усилена роль парламента, Национального и региональных советов и институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией.

Принято решение изменить методику работы Агентства по противодействию коррупции. В порядке эксперимента комплаенс-контроль в пяти ведомствах – министерствах здравоохранения, строительства, водного хозяйства, акционерных компаний «Уз-

бекнефтегаз» и «Узсувитъминот» будет передан Агентству.

Кроме того, предусмотрены проведение на уровне районов изучений факторов бытовой и си-



**Сохрани руки чистыми!**

стемной коррупции, разработка мер по их устранению. Отмечено, что 75 процентов коррупционных преступлений совершаются в форме бытовой коррупции в районах и махаллях, поэтому состав региональных советов по противодействию коррупции должен быть обновлен. Региональные советы будут предлагать в Национальный совет изменения в законодательство, направленные на искоренение коррупционных факторов и обеспечение неотвратимости наказания.

Отмечена необходимость принятия закона о декларации доходов государственных служащих, и проект данного закона будет вынесен на общественное обсуждение.

На заседании подчеркнуто, что борьба с коррупцией начинается с отбора на государственную службу профессиональных, преданных своему делу сотрудников. В связи с этим даны поручения по совершенствованию процедур найма и оценки кандидатов. Отмечена значимость привития идей честности в образовательных учреждениях для воспитания нового поколения в духе нетерпимости к любым проявлениям коррупции.

**Д**остигнутые результаты улучшают позиции страны в международных рейтингах, и к 2027 году будут созданы условия для выдвижения кандидатуры Узбекистана на проведение конференции UNCAC.

Борьба с коррупцией – общенациональная задача, требующая активного участия каждого гражданина.

**Темур САФАРОВ,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD).



## МУДРОСТЬ ПОКОЛЕНИЙ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ

«Нечестно нажитое впрок не идет».

«Где говорят деньги, там молчит совесть».

«Лучше бедность, да честность, нежели прибыль, да стыд!»

(Пословицы)

«Невелика заслуга, если человек честен лишь потому, что его никто не пытается подкупить».

(Цицерон)

«Если вы подаете пример правильного поведения, кто осмелится продолжать вести себя неправильно?»

(Конфуций)

AYOL VA JAMIYAT

## TABASSUM – TASHRIF QOG’OZIGA AYLANGAN

**Nigaraxan doimo kulib turadi. Uning samimiy tabassumi tashrif qog’oziga aylangan. Shu bois ba’zi hamkasblarimiz Nigaraxanni ismi bilan eslay olmay qolganida, doimo kulib turadigan tergovchi qiz deya ta’kidlashadi.**

Mayor Nigaraxan Perdebayeva yoshligidanoq otasi mayor Azat Yusupov kabi, ichki ishlar xodimi bo‘lishni orzu qilgandi. Shu bois IIV Akademiyasiga o‘qishga kirib, 2016-yilda uni a’lo baholarga tugatgach, ilk xizmat faoliyatini Xo‘jayli tumani IIBda tergovchi bo‘lib ishslashdan boshlaydi. Shundan so‘ng Mo‘ynoq tumani IIB HPB Xotin-qizlar masalalari bo‘yicha katta inspektori, Qo‘ng‘iroq tumani IIB HPB voyaga yetmaganlar va yoshlari o‘rtasida huququzarliklar profilaktikasini tashkil etish guruhi katta inspektori lavozimlarida faoliyat olib bordi. U hozirda Qo‘ng‘iroq tumani IIB huzuridagi Tergov bo‘linmasida tergovchi lavozimida xizmat qilmoqda.

Tergovchi odamlarni sabr-toqat bilan tinglay bilishi, ichidagi gaplarini aytishga ijozat berishi kerak, – deydi Nigaraxan. – Shundagina ular ayrimlarni jinoyat ko‘chasidan yoki qayta jinoyat sodir etishdan qaytarishadi. Biz to‘g‘ri munosabatimiz orqali ham kishilarni jinoyatdan qaytarishimiz mumkin. Men xizmat faoliyatim davomida doimo shu tamoyilga amal qilishga intilaman.

Ta’kidlash joizki, kasbi yuzasidan turli xil vaziyatlarga va muammolarga duch kelganda, har doim ustozlarining nasihatlari, shunindek, oilada turmush o‘rtog‘i va qaynota-qaynonasi-



ning qo‘llab-quvvatlashi bilan har qanday muammoni yengib o‘tayotgan Nigaraxan 2 nafar farzandning mehribon onasi, suykli yor va qaynota-qaynonasiga beminnat xizmat qiluvchi namunali kelin hisoblanadi. Jamoat ishlaridagi faol ishtiroki, shuningdek, kitob o‘qishga bo‘lgan mehri tufayli har doim peshqadamlar safida bo‘lib kelmoqda.

Xususan, u 2023-yili Qoraqalpog‘iston Respublikasi miqyosida o‘tkazilgan «Fidoyi ayol» ko‘rik-tanlovida I o‘rinni, «Kasb a’lochisi» ko‘-

rik-tanlovida II o‘rinni, shuningdek, yaqinda IIV tizimida xizmat olib boruvchi shahodatlangan xotin-qizlar o‘rtasida o‘tkazilgan «Zakovat» intellektual o‘yinida Nigaraxan ishtirok etgan jamoa faxrli birinchi o‘rinni egalladi. Bundan tashqari, vazirlikda kitobxonlik bo‘yicha o‘tkazilgan «Eng yaxshi kitobxon» tanlovida esa III o‘rinni egallagani bunga yaqqol dalil bo‘la oladi.

**Sayyora KULIMBETOVA,  
mayor.**

*Qoraqalpog‘iston Respublikasi.*

SOHA FIDOVISI

## SINIQ KO‘NGILLAR MALHAMI

**Ba’zan qiyin vaziyatga tushib qolgan ayollar o‘z dardini aytishga iymanadi. Shunday kezlarda ayol inspektorlar ularning joniga ora kiradi. Termiz shahar IIB HPG Termiz davlat universiteti xotin-qizlar masalalari bo‘yicha inspektori, kapitan Saltanat Allanazarova ham ko‘plab shunday siniq ko‘ngillarga malham bo‘lib, qanchadan-qancha ayollarning muammolariga yechim topgan. Lavhamiz qahramoni ilk xizmat faoliyatini Termiz shahridagi 8-sonli Tergov hibxonasida nazoratchilikdan boshlaganidan buyon xotin-qizlar bilan ishlab keladi. Xizmatdagi ijobji ko‘rsatkichlari uchun «To‘maris» ko‘krak nishoni bilan taqdirlangan.**

– Faoliyatimning ilk davri bir-muncha og‘ir kechgan, – deydi kapitan Saltanat Allanazarova. – Hibsdan saqlanadigan ayollar bilan ishslash, ularni nazorat qilish oson bo‘lmagan va katta mas’uliyat talab qilgan. Chunki u yerdagi muhit tamomila boshqacha, tabiatni og‘ir va tajovuzkor ayollar bilan ishslashning esa o‘ziga yarasha mas’uliyati bor. Shunga qaramay, menga berilgan vazifani uddalashga harakat qilganman va bu keyingi faoliyatimda katta tajriba maktabini o‘tagan.

Saltanat Allanazarova Termiz shahar IIBda xotin-qizlar masalalari bo‘yicha katta inspektor bo‘lib ishlagan kezlarida ham juda ko‘plab ayollarning muammolariga qulqutdi, qanchadan-qancha ajralish yoqasida turgan oilalarini saqlab qolishda jonbozlik ko‘rsatdi. Yen-

gil tabiatli, ichkilikka ruju qo‘yan, farzand tarbiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi, jinoyat sodir etishga moyil ayollar bilan profilaktika ishlarini olib bordi va bu borada ham qator samarali natijalarga erishdi. Boquvchisini yo‘qtgan ayollarga yaqindan ko‘mak berdi.

– Termiz shahar IIB JQB Terrorizm va ekstremizmga qarashi kurash guruhi tezkor va-kili bo‘lganimda, «Mehr-1» va «Mehr-2» operatsiyasi doirasida urush o‘choqlaridan olib kelingan ayollar hamda ularning farzandlari bilan ishlaganmiz, – deb eslaydi lavhamiz qahramoni. – Ularning farzandlarini maktabga joylashtirish, qo‘ni-qo‘shnilari, umuman, ommaga qo‘shilib ketishi uchun uzoq vaqt davomida psixolog mutaxassis bilan suhbatlar o‘tkazib, doimiy profilaktika jarayonlarini olib



borganmiz. Shuningdek, ularni turli tadbirlarga chaqirib, sekin-asta odatiy hayot tarziga moslashishiga yordam berganmiz.

Kapitan Saltanat Allanazarova o‘z kasbini sevadi, odamlar bilan muloqot qilganda, ularning og‘irini yengil qila olganidan quvonadi.

– Turmush o‘rtog‘im ham soha vakili bo‘lganligi uchun meni har doim tushungan. Bu borada oma-dim kelgan desam, mubolag‘a bo‘lmaydi. Negaki, ular juda mehribon, farzandlarimiga ham o‘ta

g‘amxo‘r. Taqdir shunday juft bilan siylagani uchun doim shukrona aytaman, – deydi inspektor.

Kapitan Shokir Abdurahmonov hozirda Termiz shahar IIB JQB katta tezkor vakili, u Saltanat Allanazarovaga turmushda doim yelkadosh va yaxshi maslahatchi.

– Universitetda xotin-qizlar bilan ishslash jarayoni faoliyatimga yangi bir sahifa bo‘lib qo‘shildi. Sababi, bu yerda yoshlari bilan ko‘proq muloqotda bo‘lib, ularning intilishlarini ko‘rib ruhlanaman. Yosh qizlarning jinoyat qurbaniga aylanib qolmasligi, bilib-bilmay hu-

ququzarlik sodir etishining oldini olish uchun barcha chora-tadbirlarini qo‘llashga harakat qilaman. Bu borada universitet psixologining ko‘magiga tayanaman. Muhimmi, har doim kimgadir yordam berish, naf keltirish, kunimni foydali narsalarga sarflashga intilaman. Bu mening hayotiy qadriyatimga aylangan.

**Feruza RAHMONQULOVA,  
o‘z muxbirimiz.**

*Surxondaryo viloyati.*

## ■ Джизакская область

# В ПРИОРИТЕТЕ – ЦИФРОВИЗАЦИЯ

**В последние годы цифровизация становится ключевым направлением в развитии системы органов внутренних дел. Внедрение современных технологий позволяет повысить оперативность работы, усилить контроль за общественной безопасностью.**

Территориальные подразделения УВД Джизакской области переходят на цифровой формат ведения документации, что значительно ускорило процессы.

Важным шагом в обеспечении связи стало сотрудничество с Джизакским филиалом АК «Узбектелеком». В районах области установлены 39

ретрансляторов, объединенных в единую систему через оптико-волоконные линии. Это позволило правоохранителям использовать современные портативные радиостанции, улучшив качество и скорость передачи информации.

Технологии активно внедряются и в систему видеонаблюдения. В



рамках проекта «Безопасный город» в пяти махаллях, относящихся к категории «красных зон», установлены 72 камеры с функцией распознавания лиц, три поворотные камеры и пять интеллектуальных устройств для идентификации автомобильных номеров. Дополнительно в Бахмальском районе появились 198 камер, интегрированных с ситуационным центром УВД.

В соответствии с постановлением главы государства от 3 января текущего года планируется установить 6 440 новых камер наблюдения. 1 180 устройств будут поворотными, 1 360 – оснащены системой распознавания лиц и номеров. Это позволит контролировать места массового скопления людей, улицы, дворы многоквартирных домов, рынки, школы и другие объекты. Всего в 2025 году в области будет работать более 18 тысяч камер, интегрированных в платформу «Қалқон».



В областном управлении внутренних дел внедрена IP-АТС, рассчитанная на 500 номеров, а все служебные кабинеты оснащены IP-телефонией.

Все эти шаги направлены на повышение эффективности работы ОВД по предупреждению право-

нарушений и оперативное раскрытие преступлений. Цифровые технологии становятся надежным инструментом в обеспечении общественной безопасности.

**Низом ЯКУБХОНОВ,  
подполковник.**

## Противодействие торговле людьми

Несмотря на строгость закона и усилия правоохранительных органов, факты торговли людьми, к сожалению, имеют место быть. Описываемый случай – пример того, как преступники, прибегая к манипуляциям, заманивают людей в свои сети. Они играют на человеческих слабостях, обещая легкие деньги, лучшую жизнь...

Согласно материалам следствия, некая «Шахноза», проживающая в Турции, пообещала своим знакомым – двум жительницам города Алматыка Ташкентской области устроить их дочерей на работу за границей. «Девушки будут делать косметические процедуры по улучшению кожи лица клиентов», – убеждала она, заверяя, что их ждет «хороший заработок». Однако ее истинные намерения были иные: по прибытии в страну назначения девушки должны были стать проститутками.

По договоренности сторон Шахноза «великодушно» взяла на себя расходы на поездку. 6 февраля текущего года 19-летние девушки вылетели в Анкару из Ташкентского международного аэропорта, а затем отправились в Конью. Их встретили три человека (позже установлено, что это были граждане Турции и Уз-

## СЕТИ ОБМАНА

**Торговля людьми – одно из самых бесчеловечных преступлений, попирающее основные права человека, лишающее его чести и достоинства. За совершение данного деяния Уголовным кодексом Узбекистана предусмотрено суровое наказание.**



бекистана). Они отобрали у девушек паспорта и отвезли их в публичный дом, лишили связи с внешним миром, запугивали и принуждали оказывать сексуальные услуги.

Благодаря оперативной информации сотрудниками ГУВД Ташкентской области и правоохранительными органами Турции во взаимодействии с Министерством иностранных дел Узбекистана проведено совместное мероприятие. Лица, причастные к совершению преступления, задержаны. Девушки вернулись на родину и помещены в реабилитационный центр. В отношении гражданки Узбекистана Ш. Ж., 1987 года рождения, возбуждено уголовное дело по ч. 2 ст. 135 Уголовного кодекса Узбекистана. Принимаются меры по ее экстрадиции.

**Радик ТУМПАРОВ,  
соб. корр.**

 OGOHLIK – DAVR TALABI

## O'ZINGGA EHTIYOT BO'L...

Jaroh qo'llidagi tig' bemorni hayotga qaytaradi, jinoyatchining qo'llidagisi inson umriga zomin bo'ladi. Olov sovqotgan odamni isitsa, ko'pi kuydiradi. Ummon g'arq qilsa, suvsizlik qaqratadi. Internet ijtimoiy taromog'i ham shunday. Agar me'yorda, samarali foydalanilsa, u donolar uchun – bilim, nodonlar uchun – balo manbayi.

Huquqni muhofaza qiluvchi or-ganlar xodimlari asosan tan jarohati yetkazish, o'g'rilik yoki firibgarlik kabi jinoyatlar bilan to'qnash kelishadi. Bugun esa ko'p hollarda axborot texnologiyalari yordamida sodir eti-layotgan jinoyatlarga duch kelyapmiz. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, bиргина Toshkent shahrida 2020-yili axborot texnologiyalari sohasida qayd etilgan jinoyatlar 106 tani tashkil etgan bo'sa, 2021-yilda bu turdag'i jinoyatlar 2281 tani, 2022-yilda esa ikki baravaraga ko'payib, 4332 taga yetgan. O'tgan yili axborot texnologiyalari sohasiga doir jinoyat va huquqbazarliklar yuzasi-dan 21362 ta murojaat kelib tushgan.

Tashvishlisi, bu turdag'i jinoyatlar, birinchidan, hudud, chegara va ma-kon tanlamaydi. Ikkinchidan, bиргина harakat bilan bir necha fuqaroga mod-diyy zarar yetkazishi mumkin. Uchin-chidan, jinoyatlar yuqori texnologiyali, modifikatsiya qilingan dasturlardan foydalangan holda sodir etiladi.

Misol uchun, T. ismli dasturchi yi-git bilan tezkor surishtiruv ishlari olib borilganida, u 100–150 ming so'm

evaziga mobil qurilmalarning IMEI kodini o'zgartirish bilan shug'ullanngani ma'lum bo'lgan. Bundan tashqari, u bozor narxi 3 million so'm bo'lgan mobil qurilmani 1 million so'mga sotib olib, IMEI kodini o'zgartirgan va 2 million 500 ming so'mga sotib yuborgan.

Mobil qurilmaning IMEI kodlarini o'zgartirish bilan shug'ullanuvchi «dasturchi»lar xalq tilida «cheyn-djer»lar deyiladi. Ularning arzimagan haq evaziga bu ish bilan shug'ullanishi turli yo'llar bilan qo'iga kiritilgan uyali aloqa vositalarining izsiz yo'qolishiga, jabrlangan shaxslarning mulki topilmasligiga sabab bo'ladi.

Hozirda Toshkent shahar IIBB hamda mutasaddi vazirlik va idoralar hamkorligida kiberjinoyatchilikka qarshi kurashish borasida ko'plab tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, internet tarmoqlarini monitoring qilish davomida boshqarmamiz to-monidan giyohvandlik, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi vositalar savdosi bo'yicha 91 ta, pornografiya bo'yicha 24 ta, shafqatsizlik va zo'ravon-



lik bilan bog'liq holatlar bo'yicha 18 ta, qimor va tavakkalchilikka asoslangan o'ynlarni targ'ib (reklama) qilish bo'yicha 32 ta turli kanal va saytlar aniqlanib, bloklandi. Shunga qaramasdan, bu turdag'i jinoyatlarning salmog'i yuqoriligidagi qolmoqda.

Bugungi shiddatkor zamonda ogoohlilik – davr talabi. Qolaversa, xalqimizda «O'zingga ehtiyot bo'l, qo'shningni o'g'ri tutma» hikmati bejiz aytilmagan. Har birimiz shaxsiy

mas'uliyatni his qilib, internetdan oqilona foydalanishimiz shart. Zero, bunda himoyalanishning asosiy yo'lli – hushyorlik va axborot xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya qilishdir.

**Jahongir SA'DULLAYEV,**  
Toshkent shahar IIBB Axborot texnologiyalari sohasida jinoyatchilikka qarshi kurashish boshqarmasi boshlig'i o'rinnbosari, mayor.

 XIZMATLARDA

## MAHSULOTLAR SIFATI NAZORATDA

Xorazm viloyatida yuqumli kasalliklar kirib kelishi va tarqalishining barvaqt oldini olish maqsadida profilaktik targ'ibot va nazorat-reyd tadbirlari amalga oshirilmoqda. Viloyat IIB JXX JTSB Karantin tadbirlarini ta'minlash guruhi tomonidan hamkorlikda o'tkazilayotgan ushbu tadbirlarda sotuvchi va xaridorlarning sanitariya-gigiyena talablariga rioya qilishi hamda sifatsiz oziq-ovqat mahsulotlari sotilishiga yo'l qo'ymaslik bo'yicha qat'iy choralar ko'rilmoxda.



– Joriy yilning o'tgan davrida hamkor tashkilotlar ishtirokida bozorlarda, savdo do'konlarida, qushxonalarda, mahallalarda, ko'cha va ma-

gistral yo'llarda 650 marta nazorat-reyd tadbirlari o'tkazildi, – deydi viloyat IIB JXX JTSB Karantin tadbirlarini ta'minlash guruhi komandiri,



mayor Jasur Vafayev. – Ushbu tadbirlarda veterinariya va sanitariya qoidalarini buzgan 26 nafar fuqaroga nisbatan ma'muriy bayonnomalar

rasmiylashtirildi. Shuning-dek, Gurlan tumanidagi «Momoko'pir» YPX maskani, Urganch tumanidagi «Cholish», Hazorasp tumanidagi «Toshsaqa» blok-postlari orqali oziq-ovqat mahsulotlarining viloyat hududiga olib kirilishi va olib chiqib ketilishi doimiy nazoratga olinib, 1483 ta transport vositasi ko'zdan kechirildi. Shundan 16 ta transport vositasi-da veterinariya-sanitariya qoidalarini qo'pol ravishda buzish holatlari aniqlanib,

qonunbuzarlarga nisbatan ma'muriy choralar ko'rildi. 8831 kilogramm iste'molga yaroqsiz oziq-ovqat mahsulotlari tegishli tartibda yo'q qilindi.

Hududlarda o'tkazilayotgan hamkorlikdagi nazorat-reyd tadbirlari aholi salomatligini muhofaza qilish, oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

**Xudoybergan JABBOROV,**  
o'z muxbirimiz.  
Xorazm viloyati.



## DIL IZHORI

# «ONASI BORLAR BAXTLIDIR»



«Ona sabog'i yuzlab yaxshi o'qituvchilar ta'-lim-tarbiyasidan ustun, farzandi kasal bo'lib qolganida onanining mehri yuzlab shifokorlarning muolajalaridan ko'proq malham bo'ladi. Afsuski, vaqt ziqligini, turmush tashvishi va ish ko'pligini bahona qilib, biz onalari-mizga maktub yozmaymiz, kasal bo'lib qolsa, uchib yetib bormaymiz, tug'ilgan kunida gullar berib, quchoqlab tabriklamaymiz, uni shunday kunda yolg'iz qoldiramiz, hatto ikki enlik tabrik jo'natmaymiz. Biz onalarimizni ular haqqimizga duo qilib turganlari uchun ham sevib qadrlaylik, buni farzandlik burchi deb bilaylik», deb yozgan edi taniqli avar shoiri Rasul Hamzatov o'zining «Onalarni asrang!» dostonida.

Bizlar onani ulug'laydigan, otani sharaflaydigan, bolasini izzatlaydigan xalqımız. Esimni tanibmani, onam bilan bog'liq xotiralarni eslasam, orasida, albatta, kitobga tegishli nimadir bo'ladi. Balki onam o'qituvchi bo'lgani, bizni ko'p kitob o'qishga undagani uchundir.

Onam Nasiba Asatul-leyeva qirq yildan ortiq Toshkent viloyati Yuqo-

richirchiq tumanidagi 14-maktabda ona tili va adabiyot fanidan dars berib keladi. Mahallamizdagi barcha xonadonda onamning o'quvchisi bor, desam, mubolag'a bo'lmaydi.

Eng qizig'i, maktabda yuqori sinfda o'qib yur-gan paytim onam bizning sinf rahbarimiz bo'lgan. Lekin hech qachon ayab, baholarimni yaxshilashga harakat qilmagan. Nazarimda, boshqa o'quvchi-larga o'rnak bo'lsin deb ham, menga nisbatan yanayam ko'proq talabchan bo'lgan.

Uyimizda maqtanishga arzigulik mo'jazgina kutubxona bor. Nokamtarlikka yo'y mang-u, kitoblarning deyarli barchasini o'qib chiqqanman.

Bolaligimizda yaxshi bir an'ana bo'lardi, kech-qurun ovqatdan so'ng onam o'qigan kitoblarimiz haqida so'zlab berishimizni so'rardi. Onam hamma kitoblarni o'qib chiqqani bois, yolg'on gapirib bo'lmasdi...

Otam Ibrohim Arziboyev ancha yillar Yuqorichirchiq tumanı Mudofaa ishlari bo'limida ishlagan. Bizning bo'sh qolishimizni xohlamasdi, o'qishga bo'lgan havasimizni qo'lli-

lab-quvvatlardi. Bayramlarda singillarimga, menga kitoblar sovg'a qilardi.

Onam oilada biron marta otamning so'zini ikki qilmagan. Biz – farzandlari o'qib, oliy ma'lumotli bo'lishimiz uchun otam ham, onam ham birdek mehnat qilishdi. Kezi kelganda, buning uchun barcha farzandlari nomidan minnatdorlik bildiraman.

Onam hamon yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish yo'lida hormay-tolmay xizmat qilmoqda. Orada mahallamizda xotin-qizlari faollari safida hududdagi notinch oilalarni yarash-tirish, to'y-ma'rakalarni ixcham o'tkazish kabi savob ishlarga bosh-qosh bo'lyapti.

Bizni sinh bo'lib bir-lashtirib yashayotganliklari uchun onamdan minnat-dorman. «Onasi borlar baxtlidir», deyiladi she'nda. Tole bizni yana ko'p yillar ana shu saodatdan ayirmasini. Ota-onam – suyanch tog'larim baxtimizga doimo sog'u omon bo'lishsin.

**Umidjon MAMATOV,  
Toshkent shahar IIBB JXX  
JTSB 1-maxsus safarbarlik  
batalyonı 2-otryad  
komandiri,  
kapitan.**

## INSON ZIYNATI

**Qanoat** deb, o'ziga kifoya qiladigan narsaga erishsga aytildi; buni bo'shashganlik ham deyishadi. Qanoat kamtarlik va uncha-muncha narsani nazarga ilmaydigan xislat bilan hirs o'rtasida bo'ladi.

**Sabr** deb, inson boshiga tushgan alam va chidab bo'lmaydigan og'riqni to yengunga qadar ushlab turishga aytildi.

**Iffat** esa yomonlik bilan shahvat hamda bunga o'xshagan narsalar o'rtasida turadi. Yana u serhaf-salalik bilan behafsalalik o'rtasida turadi.

**Saxovat** esa baxillik hamda ziqlalik bilan sarf qilish o'rtasida turadi.

**Shijoat** — dovyuraklik esa qo'rroqlik bilan qo-pollik o'rtasida bo'ladi.

**Farosat** — sezgidan keladigan ishoraning asl ma'nosiga tezda yetishmoqqa aytildi.

**Ilm** — narsalarning inson aqli yordami bilan o'rganilishidir.

**Bilim** deb, narsalarni idrok qilishga aytildi. Bu shundayki, inson aqli uni xato va yo'ldan toymasdan turib unga erishishi kerak bo'ladigan narsadir. Bordi-yu, bu dalillar ochiq-oydin bo'lsa-yu, isbotlar chinakamiga bo'lsa, u holda bunga hikmat – donishmandlik, deyiladi.



Barvaqt aytib qo'yib, oshkor qilish zarar keltiradigan bir narsani aytishdan o'zni tiyib turish ishini inson vijdoniga havola qilinganiga sir saqlash, deb aytildi.

Insondagi sir saqlay bilish xislati oshkor qilish xavfi tug'ilganda, uni ushlab tura biluvchi kuchdir.

Kishini qabih va bemaza ishlarga qadam qo'yishdan tutib turadigan va uni yaxshi xulq va ishlarga yo'llashiga hayo, deyiladi.

Hujum qilib kelayotgan qo'shinlardan qo'rqib qochish, insonlardagi qo'rroqlikning boshqalar tomonidan fosh etilishi, boylikni yerga ko'mish,adolatsizlikning ko'rinishlari, ifloslikka befarq qarash, shubhalijoylarda bo'lish, razillikni istash, axloqiy tubanlikka borish, kambag'alni talash, o'liklar kafanini qazib olish, gadoychilik qilish, haddan tashqari ziqlalik qilish, sudxo'rlik qilish, kechirim so'raganlar iltimosini rad etish, sud oldida turishgacha borish, muruvvatsizlik kabilar sharmandalikka kiradi.

Yaxshi va yomon xulqning hammasi sharoit, tarbiya, odatlanish natijasida vujudga keladi. Yaxshi xulqqa ham odat tufayli erishiladi.

**Abu Ali Ibn SINO.**



■ Ферганская область

## СЧАСТЬЕ БЫТЬ ВОСТРЕБОВАННОЙ

**Подполковник Наргиза Турсунова 22 года служит в органах внутренних дел. Начав карьеру в информационном центре Управления внутренних дел области, она работала в подразделениях по борьбе с преступностью и терроризмом. С 2011 года продолжает службу в Управлении миграции и оформления гражданства.**

– В последние годы система МВД претерпела значительные изменения, особенно в сфере паспортно-визового оформления, – рассказывает Н. Турсунова. – Внедрение современных информационных технологий позволило упростить многие процессы: сокращены очереди, устранины бюрократические проволочки, запущены сервисы государственных услуг. Теперь гражданам не приходится тратить часы в ожидании, получение документов стало более удобным и оперативным.

Каждое утро Наргиза Турсунова встречает посетителей с доброжелательной улыбкой. Она гордится тем, что ее работа помогает людям, делает их жизнь комфортнее. С коллегами и гражданами подполковник всегда вежлива и внимательна.



– Наргиза – настоящий профессионал, – отмечает ее коллега капитан Давлатжон Мирсаодатов. – Она не только мастер своего дела, но и наставник для молодых сотрудников, делится бесценным опытом, помогает советом.

Турсунова успешна не только в службе, но и в семье. Ее сын, Сардорбек Турсунов, обучается в Нижегородской академии МВД России и мечтает вносить вклад в обеспечение общественной безопасности.

Весна – пора обновления. Международный женский день и Навруз наполняют атмосферу особыми красками. В эти дни коллеги поздравляют Наргизу Турсунову, ученики приходят в ее кабинет с цветами. Это знак уважения, признания ее труда.

Быть востребованной, приносить пользу людям, видеть их благодарные улыбки – разве не в этом настоящее счастье?

**Абдувосит СИДИКОВ,  
соб. корр.**

Инновации в действии

## ДРОНЫ НА СЛУЖБЕ

**В Андижанской области для старших инспекторов профилактики организованы учебные занятия по использованию беспилотных летательных аппаратов (БПЛА). Обучение провели сотрудники Службы профилактики правонарушений Департамента общественной безопасности МВД в городе Андижане и Шахриханском районе.**

Во время занятий специалисты подробно объяснили тактико-технические характеристики дронов и порядок их применения в служебной деятельности. Инспекторы изучили принципы управления беспилотниками, их возможности для мониторинга обстановки.

Основная цель внедрения дронов в работу профилактических служб – усиление мер по обеспечению общественного порядка, безопасности граждан и профилактике правонарушений. С их помощью инспекторы смогут оперативно



осматривать территорию, фиксировать потенциальные угрозы и повышать эффективность профилактических мероприятий.

Благодаря использованию дронов сотрудники органов внутренних дел смогут охватывать большие участки территории, что особенно важно в труднодоступных районах. Новая технология позволит быстрее выявлять правонарушения, предотвращать возможные преступления.

Кроме того, беспилотные летательные аппараты можно применять при проведе-

нии массовых мероприятий, обеспечивая безопасность граждан и оперативное реагирование в экстренных ситуациях. Подобные тренинги будут организованы и в других регионах страны, чтобы правоохранители могли эффективно использовать передовые технологии в своей работе.

Использование дронов – это важный шаг к модернизации системы правоохранительных органов, который поможет сделать профилактику правонарушений еще более эффективной.

**Соб. корр.**

## NAVbatchilik qismi

## 24 SOAT

## SERGAKLIK BILAN



**«Qo'rg'ontep tumani Ichki ishlar bo'limi Navbatchilik qismi eshitadi». Bu navbatchilik qismilarida har kuni bir necha marta yangraydigan jumla. Mana shu ikki og'iz so'zning o'zi ilinj bilan qo'ng'iroq qilayotgan fuqaroda katta umid uyg'otadi. Uni eshituvchi, muammosini hal qiluvchi davlat idorasi borligidan ko'ngli taskin topadi.**

Tuman IIB Navbatchilik qismida 6 nafar xodim faoliyat yuritadi. Shu kuni navbatchilikda bo'lgan mayor G'iyosiddin Norinboyev 10 yildan buyon sohada xizmat qiladi. Uning yordamchisi safdar Ro'zimuhammad Bo'taboyev esa navbatchilikda besh yillik tajribaga ega xodim. Ikkalasi ham xushmuomalaligi, og'ir-vazminligi va samimiyligi bilan e'tiborimizni tortdi. Kecha-kunduz turli xil murojaatlarga javob berish, har xil vaziyatdagi fuqarolar bilan muloqotni amalga oshirish oson emas. Lekin bu yigitlarda charchoq alomatlarni sezmadik. Ikkisi ham birdek tetik, o'z vazifasida shaxdam.

– Bir sutka mobaynida kamida 35–40 ta murojaatni qabul qilamiz.

Ularning bir qanchasi «102» xizmati orqali, qolganlari bevosita qo'ng'iyoqlar asosida kelib tushadi. Tag'in profilaktika inspektorlari tomonidan taqdim etiladigan arizalar ham bor. Qabul qilingan har bitta murojaat va hujjatni rasmiylashtirib, tegishli bo'limlarga ijrosini ta'minlashga yo'naltiramiz. Qilingan hech bir murojaat yechimsiz qolmasligi kerak, – deydi mayor G'iyosiddin Norinboyev.

Xizmat jarayonini kuzatish davomida shunday holatga guvoh bo'ldik. Navbatchilar bir muddat ham chalg'imay, butun diqqat-e'tiborini ishga qaratmoqda. Ular xuddi shunday diqqat-e'tibor, 24 soat sergaklik bilan o'z xizmat vazifasini ado etishadi.

«Navbatchilik qismi – ichki ishlarning yuragi», deyishadi. «Yurakning muntazam sog'lom urishini ta'minlash esa bizning burchimiz». Bu fikr Qo'rg'ontep tumani IIB Navbatchilik qismi mas'uliyatli xodimlarining kundalik shioriga aylangan.

Nigora TO'XTAMATOVA,  
o'z muxbirimiz.

Andijon viloyati.

## BIZ – KORRUPSIYAGA QARSHIMIZ!

XODIMNING VIJDONI  
nomaqbtl taklifni qabul qilmadi

Izquvarlar jinoyatlarni fosh etishda biri ikkinchisiga zanjirdek bog'langan holatlarni sinchiklab o'rganishadi. Yoki su'rishtiruv jarayonida mutlaqo kutilmagan voqeliklar ham sodir bo'lib turadi.

Uchqo'rg'on tumani IIB Tezkor-qidiruv xizmati Jinoyat qidiruv bo'linmasi tezkor vakili, kapitan Adhamjon Mashrabboyev 2023-yilda fosh etilmagan o'g'rilik jinoyatini ochish maqsadida jinoyat ishlari bo'yicha Uchqo'rg'on tumani sudi tomonidan chiqarilgan ajrimga asosan, gumonlanuvchining izidan tushib, tumanda istiqomat qiluvchi yana boshqa bir fuqaro 1968-yilda tug'ilgan R.K. xonardonida tintuv o'tkazadi.

Tezkor xodimning kutilmagan tashrifi R.K.ni shoshib qo'ydi. Tekshiruv jarayonida uning xonadonidagi temir seyfdan 11 nafar shaxsga tegishli fuqarolik pasportlari, 6 dona avtotransport vositalarini qayd etish guvohnomasi, yana shuncha haydovchilik guvohnomasi, 1 donadan «iPhone 14» va «Redmi» rusumli telefon apparatlari va 1 juft sirg'a borligi aniqlanib, tegishli tartibda rasmiylashtirib olindi. R.K. fuqarolarga foizga pul berib, ushbu buyum va hujjatlarni garov sifatida saqlab kelayotganligi ma'lum bo'ldi.

Mazkur holat yuzasidan tergovga qadar tekshiruv jarayonlari boshlandi. Shundan so'ng R.K. chora ko'rmaslik va ishni uning foydasiga ijobjiy

hal qilib berish evaziga jinoyat qidiruv xodimiga bir necha bor pora taklif qildi. Xodim unga bu ishi qonunga xilob ekanini tushuntirsa hamki, eshitishni xohlamadi.

O'tkazilgan tezkor tadbir davomida fuqaro R.K. kapitan A. Mashrabboyevga 300 AQSH dollari miqdoridagi pullarni pora tariqasida berayotgan vaqtida tadbir ishtiroychilari tomonidan ashyoviy dalillar bilan qo'iga olindi. Xodimning vijdoni bunday nomaqbtl taklifni qabul qilmadi.

Hozirda mazkur holat yuzasidan tergovga qadar tekshiruv harakatlari olib borilmoqda.

Gulchehra BUVAMIRZAYEVA,  
o'z muxbirimiz.

Namangan viloyati.

## JINOYATGA JAZO MUQARRAR

BO'Rİ QUTURSA,  
O'Z QAVMIGA CHOPAR

Sharof Rashidov tumanining Bobur Mirzo nomli mahalla fuqarolar yig'inida istiqomat qiluvchi Sh.A. pul uchun har qanday qabilikdan toymaydiganlar toifasidan. Jumladan, ora-sira Turkiya va Rossiyaga «tirikchilik» vaji bilan chiqib turadigan ushbu shaxs Moskvada bir muddat ijtimoiy tarmoq orqali narkotik va psixotrop moddalar savdosiga hamda ushbu vositalarni «mijoz» larga yetkazish bilan shug'ullandi.

Bu ham yetmaganidek, u odam-furushlik ortidan pul topmoq tashvishiga tushib qoldi. Chunonchi, o'zining doimiy yashash manziliga qaytgach, fohishalik bilan shug'ullanish uchun odam yollay boshladи. Bu haqida xabar topgan viloyat IIB TQX JQB UUQKB odam savdosiga qarshi kurashish bo'linmasi xodimlari fuqaroni kuzatuvga olishdi.

Mazkur jarayonda u Jizzax shahrining «Kimyogar» mahallasida vaqtinchalik ro'yxatda turib, yashovchi S.J. hamda G'allaorol tumanining «Baxt» mahallasida istiqomat qiluvchi S.P. ni oyiga 2–3 ming AQSH dollaridan pul topishlariga ishontirib, Rossiya Federatsiyasida fohishalik qilishga ko'ndirganligi aniqlandi.

Natijada gumon qilinuvchi ikki nafar ayolni aeroportga olib ketayotganida qo'iga olindi. Shundan so'ng Sh.A.ning uyali aloqa vositasiga o'zdan kechirilganida jinsiy qullik uchun olib ketilayotganlarning fotosuratlari topildi. Tergovga qadar surishtiruv davomida gumon qilinuvchi qizlarning suratlarini ijtimoiy tarmoqqa joylamoq niyatida olgaligini bildirdi.

Joriy yilning o'tgan davrida bo'linma ayni mazmundagi uchta jinoyatni fosh etdi. Bundan tashqari, mahalla fuqarolar yig'inlari, o'quv muassasalari, shuningdek, temiryo'l bekatlarida odam savdosiga qarshi 50 dan ortiq targ'ibot tadbirlari o'tkazildi. Mazkur jarayonda fuqarolar xorijiy davlatlar qonunchiligi, yuzaga kelish mumkin bo'lgan xatarlar hamda ko'mak olish mumkin bo'lgan tashkilotlarga oid tarqatmalar bilan ta'minlayapti.

Shuningdek, ommaviy axborot vositalari hamda ijtimoiy tarmoqlarda profilaktik chiqishlar qilinmoqda. Qolaversa, chet elda uzoq muddat bo'lgan shaxslar bilan muloqotlar o'tkazilmoqda.

Sodiq QO'CHQOROV,  
mayor.

Jizzax viloyati.



KINOLOGIYA XIZMATI

## SADOQATLI KO'MAKCHILAR

### Buxoro viloyati IIB JXX JTSB

**Kinologiya bo'linmasi xodimlari o'zlariga biriktirilgan xizmat itlari yordamida yurtimiz tinchligi, xalqimiz osoyishtaligini ta'minlash, jinoyatlarni «kissiq izida» fosh qilishda ibratli ishlarni amalga oshirib kelmoqda.**

Soha vakillari tomonidan joriy yilning o'tgan davrida to'rt oyoqli ko'makchilar ishtirotida 13 ta jinoyat ochilishiga erishildi. Jumladan, 11 ta o'g'rilik, 2 ta giyohvandlik vositalari bilan bog'liq jinoyat fosh etildi. Shu bilan birga, viloyat miqyosida o'tkazilayotgan ommaviy va profilaktik tadbirlar chog'ida xavfsizlikni ta'minlashda ham kinologlar faol ishtirot etishyapti.

Shu yilning 10-yanvar kuni Romitan tumani IIB xodimlari tomonidan Gazli shaharchasida tezkor tadbir o'tkazildi. Tadbirga Kinologiya bo'linmasi 1-guruh kichik inspektor-kinologi, kichik serjant Bobir Shodiyev o'ziga birikti-



rilgan «Bond» laqabli xizmat iti bilan jaib qilindi. Mazkur tadbir davomida «Baynalmilal» mahallasi Istiqlol ko'chasida yashovchi X.R.ning uyi ko'zdan kechirilayotganda, xizmat iti bir nimanidir sezgandek bo'ldi. Shunda kichik serjant B.Shodiyev sadoqatli ko'makchisi boshlagan tomon yo'naldidi. «Bond» yotoqxonadagi divan tomon qarab voviladi. Osoyishtalik posbonlari xolislar bilan divanni ko'zdan kechirishganda, bir dona gugurt qutisi ichidan quritilgan holdagi marijuana giyohvandlik vositasi aniqlandi.

Bundan tashqari, bo'linma kinolog xodimlari respublika miqyosida o'tkazilgan «Yoshlar orasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar tarqalishining oldini olish» oyligi tadbirlarida faol ishtirot etib, o'rta ta'lim maktablari va oliy ta'lim muassasalariga 60 dan ziyod targ'ibot ishlarni olib bordi. Tadbirlar chog'ida kinologlar xizmat itlari bilan ko'rgazmali chiqishlar ham qilishdi.

### SPORTNI SEV, SPORT BILA YASHA!

## MUSOBAQA G'OLIBI – IIV AKADEMIYASI

**Toshkent shahrida mamlakatimiz oliy harbiy va harbiylashtirilgan ta'lim muassasalari kursantlari o'rtasida sportning suzish turi bo'yicha musobaqa tashkil etildi. Unda mazkur o'quv yurtlarining 7 ta jamoasi g'oliblik uchun o'zaro kurash olib bordi.**



Davlat xavfsizlik xizmati akademiyasida bo'lib o'tgan murosasiz bellashuvlarning yakuniy natijalariga ko'ra, estafeta suzish jamoaviy biringchiligidagi yaqqol ustunligini namoyish etgan IIV Akademiyasi vakillari shohsupanining yuqori pog'onasidan joy oldi. Mezbon jamoa sportchilari ikkinchi o'rinni qo'lga kiritgan bo'lsa, Qurolli Kuchlar akademiyasi jamoasi bronza medallari bilan taqdirlandi.

G'olib jamoalarga musobaqa kubogi, diplom, medal va qimmatbaho esdalik sovg'alari tantanali ravishda topshirildi.

– Yoshligimdan suv sporti bilan shug'ullanib kelaman, – deydi IIV Akademiyasi 1-bosqich kursanti, suv polisi bo'yicha sport ustasi, mamlakatimiz terma jamoasi a'zosi Saidahmad Ismatullayev. – Shu bois ushbu sa'y-harakatlarim o'z samarasini berib, birinchi o'rin sohibiga aylandim.

Yorqin g'alabani qo'lga kiritgan kelajagimiz egalarini samimiyl qutlaymiz.

**Suratda: S. Ismatullayev.**

## MARDLAR MAYDONDA SINALDI

**IIV «Jar» sport-sog'lomlashtrish majmuasida vazirlik akademik litseylari o'quvchilari o'rtasida an'anaviy tarzda tashkil etib kelmayotgan «Jangovar tayyorgarlik bo'yicha ko'rgazmali chiqishlar» ko'rik-tanloving final bosqichi bo'lib o'tdi.**



Bahslar yakuniga ko'ra, betakror chiqishlari va tezkorligi bilan tomoshabinlar olqishiga sazovor bo'lgan **IIV Andijon akademik litseyi** jamoasi ketma-ket uchinchi marotaba kubok sohibiga aylandi. Keyingi pog'onalarini esa raqibidan biroz ortda qolgan **Jizzax va Buxoro akademik litseyi** o'quvchilari qo'lga kiritishdi. G'olib jamoalarning vakillariga diplom, medal va qimmatbaho sovg'alar topshirildi.

Shuningdek, ko'rik-tanloving **«Eng yaxshi jamoa murabbiyi», «Eng faol jamoa rahbari», «Eng**

**yaxshi o'g'il bola ishtirokchi»** hamda **«Eng yaxshi qiz ishtirokchi»** nominatsiyalari bo'yicha munosiblar aniqlanib, ular ham vazirlikning diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

– Avvalo, ko'rik-tanlovga puxta tayyorgarlik ko'rganimiz, shu bilan birga, g'oliblik uchun qilgan astoydil harakatlarimiz bois muvaffaqiyatga erishdi, – deydi peshqadam jamoa sardori Abdurauf Ne'matov. – Kelgusida ham bunday intilishlarimizni kuchaytirgan holda, yuqori marralarni zabt etishdan to'xtamaymiz.



# ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

Бугунги кунда меъда-ичак касалликлари билан оғриётган беморлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу хасталиклар узоқ муддатгача яширин кечиши мумкин. Агар бемор вақтида шифокорга мурожаат этмаса, касаллик авж олиши ва жиддий асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

Қорин шишиши, жигилдон қайнаши, қабзият, диарея, кўнгил айниши, семириш, чарчоқ – булар овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолардан дарак берувчи белгиларнинг баъзилари, холос. Чекиш, стресс, спиртли ичимликлар истеъмоли, камҳаракатлилар паразитлар ҳам овқат ҳазм қилиш жараёнини издан чиқарадиган омиллардир.

Шифокор-мутахассислар овқат ҳазм қилишни яхшилаш учун қўйидаги тавсияларни алоҳида санаб ўтишади.

## ШОШМАСДАН ТАНОВУЛ ҚИЛИНГ

Овқатни яхшилаб чайнаш керак, негаки, ҳазм қилиш, энг аввало, оғиз бўшлиғидан бошланади. Яхшилаб чайнаш орқали ошқозон ва ичак ишини анча енгиллаштирган бўласиз.

## КЛЕТЧАТКАГА БОЙ МАҲСУЛОТЛАР ИСТЕЬМОЛ ҚИЛИНГ

Клетчатка организмга овқат тез сингишига ёрдам беради ва қабзият пайдо бўлишининг олдини олади. Клетчаткага бой мева-сабзавотлар ичаклар микрофлорасини ҳам яхшилади, организмда токсинлар ҳамда канцерогенлар



тўпланишининг олдини олади. Олма, нок, банан, ўрик ва олхўри туршаги энг фойдали ҳисобланади.

## КЎПРОҚ СУЮҚЛИК ИЧИНГ

Ичак фаолиятини енгиллаштириш ва қабзиятнинг олдини олиш учун кунига вазнингизга қараб сув ичиш лозим. Меъда ширасини суюлтираслик ва ҳазм қилувчи ферментларни ювиб юбормаслик учун 1 стакан сувни овқатланишдан ярим соат аввал ичиш тавсия этилади.

## ҮТА ҚАЙНОҚ ЁКИ ҮТА СОВУҚ НАРСА ЕМАНГ

Овқатнинг ҳарорати одам танаси ҳарорати билан бир хил бўлса, у танага енгил ва осон сингади. Шунинг учун сувни ҳамда овқатларни ейища шу қоидага амал қилинг.

## ТАРТИБЛИ ОВҚАТЛНИНГ

Ҳазм қилиш тизимиға ортича оғирлик туширмаслик учун кун давомида асосий овқатланиш пайтидан олдин тамадди қилиб олмаслик керак. Шунингдек, ҳар

куни бир хил вақтда овқатланиш мақсадга мувофиқ.

Тез тайёр бўладиган озиқ-овқатлардан воз кечинг. Эрталабки но-нуштангиз енгил бўлсин. Таомномангизда оқсилга бой маҳсулотлар бўлиши керак. Тушлик вақти истаганча тўйиб овқатланишингиз мумкин. Кечки овқатта эса ҳазми енгил овқатлар ва салат бўлгани яхши. Ётишдан аввал тўйиб овқатланманг.

## ҚАТИҚ ИСТЕЬМОЛ ҚИЛИНГ

Қатиқда ичак фаолиятини нормаллаштирувчи фойдали бактериялар кўп. Бундан ташқари, моддалар алмашини жараёнини яхшилади, организмдан заҳарли моддаларни чиқариб юборади.

Унутманг, касалликларнинг асосий қисми нотўғри овқатланиш туфайли юзага келади.

Тавсияларга амал қилишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашинг.

**Адолат ФАЙЗИЕВА**  
тайёрлади.



# ЧЕМ ПОЛЕЗНА КУРКУМА

Куркума – это растение, которое используется в кулинарии и медицине. Ее иногда называют индийским шафраном или золотой специей. Приправа имеет ярко-желтый цвет и сладковатый аромат, основным активным компонентом является куркумин.

Кроме того, куркумин помогает мозговой деятельности, применяется при инсульте, болезни Паркинсона, Альцгеймера (способствует росту нейронов и защищает имеющиеся нейронные связи), снижает уровень холестерина и сахара в крови.

Куркумин не растворяется в воде, он хорошо усваивается в сочетании с растительным маслом и черным перцем.

Также куркума содержит хорошие дозировки железа, марганца.

## ПРОТИВОПОКАЗАНИЯ

Как любой натуральный продукт, куркума может вызвать аллергию. Если организм реагирует на известные специи, то следует с особой осторожностью

употреблять эту приправу. Перед постоянным применением нужно сделать тест на руке: нанести щепотку куркумы с водой и молоком и посмотреть на реакцию кожи в течение двух суток.

При приеме лекарственных препаратов, направленных на разжижение крови, наличии скрытых ран, эрозий, язв, геморроя, гастрита есть риск кровотечения, при пониженном артериальном давлении куркума снижает его еще больше, диабете первого типа возможно резкое снижение уровня сахара в крови, желчекаменной болезни – куркумин стимулирует желчеотток – это опасно при наличии камней.

Все это касается приема препаратов куркумина в лечебных (больших) дозировках. Саму же куркуму

не стоит употреблять натощак, а беременным и кормящим женщинам и детям до шести лет не следует перебарщивать с этой специей.

## КАК ПРИМЕНЯТЬ?

Препарат должен назначить врач – важна дозировка и взаимодействие с другими лекарствами.

В профилактических целях и для общего оздоровления полезно ввести в рацион куркуму в виде пряности. Добавление небольшого количества куркумы в пищу в качестве приправы не вызывает проблем со здоровьем.

## КАК ВЫБРАТЬ И ХРАНИТЬ?

При выборе куркумы следует обратить внимание на цвет и запах. Приправа должна быть ярко-желтой, запах – свежий и ароматный.

Хранить куркуму надо в сухом прохладном месте, защищенному от прямых солнечных лучей, лучше всего в плотно закрытой стеклянной или пластиковой таре. При правильном хранении куркума сохраняет целебные свойства в течение нескольких месяцев.

## ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА

Куркума – это мощный антиоксидант, нейтрализующий свободные радикалы, повреждающие клетки организма. Куркумин также стимулирует выработку собственных антиоксидантных ферментов в теле, что помогает защитить клетки от окислительного стресса, замедляя процесс старения и снижая риск развития хронических заболеваний. Куркума известна способностью улучшать пищеварение. В ней содержатся такие важные для здоровья сердца компоненты, как калий и магний. Они помогают уменьшить количество плохого холестерина в организме и снизить риск развития заболеваний сердечно-сосудистой системы.

 Размышление на тему

## КУЛЬТУРА ВОЖДЕНИЯ: ТЕСТ НА ЧЕЛОВЕЧНОСТЬ

Дорога – это не просто асфальт и разметка, а целый мир, в котором ежедневно сталкиваются сотни характеров, эмоций и принципов. Здесь проявляются наши лучшие и худшие качества, а культура вождения становится своеобразным тестом на человечность.

### Стресс за рулем: неизбежность или вопрос выбора?

Городской ритм требует скорости, но не терпит ошибок. Утренние пробки, внезапные перестроения, водители, спешащие на желтый – все это создает напряжение. Добавьте сюда невежливость, агрессию и хамство, и стресс становится постоянным спутником на дороге.



Однако есть и другая сторона. Даже в самых сложных ситуациях можно оставаться спокойным, не поддаваться гневу и не отвечать злом на зло. Ведь агрессия за рулем редко помогает, а вот банальная вежливость – например, уступить дорогу или поблагодарить аварийкой за помощь – может разрядить атмосферу и изменить настроение сразу нескольким водителям.

### Негатив и его последствия

Плохое настроение за рулем передается дальше, словно цепная реакция. Один водитель подрезал другого, тот начал сигнализировать и перестраиваться агрессивно, третий, став невольным свидетелем, уже напряжен и раздражен... А стоит ли?

Порой достаточно просто немного отступить от личных эмоций и посмотреть на ситуацию шире. Человек мог случайно ошибиться, задуматься, а не намеренно создать опасность. Иногда достаточно простого жеста – поднятой руки или кивка – чтобы погасить конфликт.



Но, к сожалению, встречаются и те, кто сознательно провоцирует окружающих: подрезает, едет на «авторитетности» дорогое авто, не включает поворотники. Это уже не вопрос культуры вождения, а общей культуры человека.



### Взаимовыручка на дороге

Несмотря на весь негатив, дорога остается местом, где можно увидеть и лучшие стороны людей. Водители, которые останавливаются, чтобы помочь при поломке, уступают дорогу «скорой помощи», предупреждают о неожиданных препятствиях – все это примеры того, как взаимовыручка делает вождение безопаснее и приятнее.

В экстренных ситуациях водительские сообщества нередко проявляют солидарность: пробка перед постом ДПС – моргнули фарами, где-то разлитое масло – кто-то поставил аварийный знак, сломалась машина – кто-то обязательно остановится. Это не формальность, а проявление человечности.

### Культура вождения – отражение общества



Дорога – это маленькая модель нашего общества. Если здесь царит хаос, хамство и эгоизм, значит такие же проблемы есть и в повседневной жизни. Если мы научимся уважать друг друга за рулем, проявлять терпение и взаимопомощь, это отразится и за пределами дорог.

Каждый день у нас есть выбор: стать источником стресса и негатива или примером культуры вождения. И, возможно, именно ваш добрый жест сделает этот мир немного лучше.

Подготовила Юлия КИМ.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

(17 - 23 марта)



**Қўй.** Ҳафтанинг биринчи ярмида оғир ёки давомли меҳнатдан имкон қадар йироқ туринг. Чунки бу вақтда саломатлигингиз панд бериши мумкин. Кейинги кунлар молиявий даромад ва иш фаолиятидаги ўсишли ваъда қилмоқда. Дам олиш кунларини оила даврасида ёки табиат қўйнида ўтказишга ҳаракат қилинг.



**Бузоқ.** Ҳафта бошида яхши кайфият ва ҳар бир ишда муваффақият сизга ёр бўлади. Иккинчи куни бизнесга оид турли таклифларни қайта кўриб чиқишига, имкон қадар қўшимча даромад манбани излашга ҳаракат қилиб кўринг. Дам олиш кунлари оила аъзолари билан низога бормасликка ҳаракат қилинг.



**Эгизаклар.** Оилавий муносабатларга путур етмаслиги учун жаҳл ва ғазабга эрк бермай, ақл билан иш юритинг. Бу шунчаки ўткинчи давр бўлиб, тез орада ҳаммаси изига тушиб кетади. Бу ҳафта йирик сарф-харажатларни четга сурниб туринг.



**Қисқичбақа.** Ҳар қандай ишда тўсиқларга учрашингиз мумкин. Кутилмаган натижаларга тайёр туринг. Атрофдагиларга нисбатан ва янги дўст танлашда эҳтиёткор бўлинг. Фақат шундагина ишдаги кўпгина масалаларнинг ҳал этилиши муваффақиятли кечади.



**Арслон.** Атрофингиздаги баъзи одамлар билан муносабатда муаммолар юзага келиши мумкин. Катта аҳамиятга эга бўлган жиддий лойиҳаларга ҳозирча қўл урмаганинг маъқул. Аммо уй ишлари ва ташвишларини ҳал этишини асло ортга сурманг.



**Паризод.** Бу ҳафта режадаги барча юмушларни ўз вақтида бажаришга урининг. Бироқ ишга киришишдан олдин унинг нечоғлик аҳамиятили ва фойдали эканини жиддий ўйлаб кўринг. Ҳафтанинг иккинчи ярми иш фаолияти билан боғлиқ келишувларни амалга ошириш учун мақбул вақт.



**Тарози.** Бу даврда режалаштирилган барча юмушлар кўнгилдагидек амалга ошади. Сешанба ва чоршанба энг самарали ва омадли кунлар ҳисобланиб, бу фойдали ва истиқболли ишларнинг уддасидан чиқиш учун яхши имкониятдир.



**Чаён.** Айни дам ҳаётингизда унумли ва жадал ривожланиш жараёни кетмоқда. Эски қарашларни ўтмишда қолдиринг. Танқидни холислик билан қабул қилинг, йўл-йўлакай хатоларни тузатиб кетишига ўрганинг.



**Ўқотар.** Бу даврда режалаштирилган мухим иш ва учрашувлар муваффақиятли кечади. Давр билан ҳамнафас бўлиб, мавжуд билимларни янгилари билан уйғунлаштиринг. Хизматдошлар учун умумий манфаатларни кўзловчи инсонга айланинг. Жиззакилик ва таъсирчанликни унутинг.



**Тоғ эчкиси.** Бу ҳафта қувончли хабар тұхфа этиши кутилмоқда. Анчадан бери умид боғлаган ва рўёбини кутган орзунгиз ушалади. Лекин шу туфайли ҳамкаслар билан таранг муносабатлар, гийбат ва бекорчи гап-сўзлар юзага келиши мумкин. Бундай пайтда оила аъзоларингизнинг кўмагига суняниг.



**Қовға.** Ишхонада сиздан камчилик топишига уринишлари мумкин, бироқ меҳнатсеварлик ортидан раҳбарият ва ҳамкасларнинг фикрини ўзгартиришингиз мумкин. Оила аъзоларингизнинг кўнглини оғритеб қўйишдан қочинг, юзма-юз олиб борилган сұхбат ва тушунтириш ишларининг ўзи кифоя.



**Балиқ.** Бу даврда фақат ўзингиз учун мақбул ва ёқимли бўлган ишлар билан шуғуллануб, қолганини кейинги ҳафта режасига кириting. Фаолият юритаётган жойингизда иш юкламасини орттиришлари мумкин. Ўз устида ишлаш, тажриба орттириш учун қурайдир. Ижод қилиш, яратиш ва барпо қилишга қаратилган сайд-ҳаракатлар бу ҳафта ижобий натижага беради.





## UMRIMNING GUL BAHORISAN

Buyuk zotlar allalangan beshigimsan,  
Necha elda doston bo'lgan qoshig'imsan,  
Qut-baraka arimagan eshigimsan,  
Olmosga ham alishmagan O'zbekiston,  
Hech bir yurtdan qolishmagan O'zbekiston.

Onajonlar mehri ila porlaganim,  
Niyati pok Olloh doim yorlaganim  
Adashmasdan haq yo'llarga chorlaganim,  
Jismu jonim yayrab yurgan koshonamsan,  
Taqdirlimsan, baxtimsan, sen peshonamsan.

Jon so'rasang, jonim beray jonim elim,  
Kimki muhtoj madad beray – ochiq qo'lim,  
Yuragimning to'ridasan – ezgu yo'lim,  
Rayhonimning iforisan, O'zbekiston,  
Urimning gul bahorian, O'zbekiston.

**Muhabbat XIDIRALIYEVA,  
kapitan.**

**Kapitan Muhabbat Xidiraliyeva**  
1997-yilda Sirdaryo viloyati Gu-liston tumanida tug'ilgan. Hozirda Sirdaryo viloyati IIB HPB boshlig'i-ning XQMB o'rribbosari lavozimida xizmat qilmoqda. O'z ishiga mas'uliyatli, fidoyi xodim ijod bilan ham shug'ullanib turadi. Bir necha she'riy to'plamlari chop etilgan.



## NAVRO'ZNI YETAKLAB KELADI BAHOR

Tog'larning bag'rida qori bo'lsa ham,  
Ayozning aytajak zori bo'lsa ham,  
Qarg'alarning hali kori bo'lsa ham,  
Qishni beshigiga beladi bahor,  
Navro'zni yetaklab keladi bahor.

Daraxtlar shoxida kular kurtaklar,  
G'unchalar lab ochar, gulgun tilaklar,  
Yulduzlar ko'zidan to'kib ertaklar,  
Quyoshning yuzini siladi bahor,  
Navro'zni yetaklab keladi bahor.

Sevgining muborak sadosi bo'lib,  
Bulbulning aytajak navosi bo'lib,  
Oshiq yuraklarning gadosi bo'lib,  
Tutashgan ko'zlarda kuladi bahor,  
Navro'zni yetaklab keladi bahor.

Tuyoqlarin maysa o'pgan tulporlar,  
Oy yuzidan orzu terar bedorlar,  
Kokil tashlar majnuntollar, dildorlar,  
Irmoqlar torini chaladi bahor,  
Navro'zni yetaklab keladi bahor.

**Mahmud TOIR,  
O'zbekiston xalq shoiri.**

Ishxonamiz yaqinidagi mashina qo'yiladigan maydoncha chetida bir tup daraxt bor. Uning bir shoxi qurigan.

Yaqinda yoqqan yomg'irda o'sha shox qulab tushibdi. Har tugul, hech kimga ziyon yetmabdi.

Shu o'rinda bir masal esga tushdi.

Sichqon xonardonning bir chetiga qopqon qo'yilganini ko'rib qolibdi. U xo'rozning oldiga borib: «Ey xo'roz, kel shu qopqonni olib qo'yamiz. U hammamizga xalaqit beryapti», – dedi. Xo'roz unga javoban: «Bu mening muammoim emas. Kimning muammoi bo'lsa, o'sha hal qilsin», – dedi.

Sichqon: «Mayli», dedi-da, qo'yning oldiga borib, unga: «Ey qo'y, kel shu qopqonni olib qo'yamiz. Bu hammamiz uchun xatarli», – deb taklif qildi. Qo'y ham xo'roz singari «Buning menga aloqasi yo'q. Muammo kimniki bo'lsa, o'sha hal qilish kerak», – dedi.

**IBRAT**  
**MUAMMO  
KIMNIKI?**

Sichqon endi buqaning oldiga borib: «Ey buqa, shu qopqonni olib qo'yaylik. Bu hammamizga xalaqit berayapti», dedi. Buqa: «Bu mening muammoim emas», – dedi...

Kunlarning birida qopqonga ilon tushib qoldi. Chiqishga harakat qilib, uyoq-buyoqqa talpinib, shu yerda yurgan uy egasining ayolini chaqib oldi.

Xo'jayin ayolini kasalxonaga olib bordi. Kerakli muolajadan keyin shifokor xo'jayinga: «Biz

qo'limizdan kelganini qildik. Endi uya olib borib, yaxshi ovqatlardan qilib bering. Tovuq sho'rva bo'lsa yanada yaxshi», – dedi.

Xo'jayin uya kelib oq kataldagi xo'rozni so'yib, sho'rva qildi...

El-ulus: «Falonching ayoli betob emish, borib yo'qlamasak bo'lmash», – deb birin-ketin kasalni ko'rgani kela boshladи. Xo'jayin o'ylanib: «Qarindosh-urug'lar, do'star – bari kelyapti. Endi bir ehson qilay», – dedi-da, qo'radagi qo'yini so'ysi...

Oradan ko'p o'tmay ayolning kasali og'irlashib, vafot etdi. Xo'jayin ma'rakalarni o'tqazish uchun buqani ham so'yib yubordi...

...Masalning qiziq joyi shundaki, «Bu mening muammoim emas», deganlarning birontasi omon qolmadи. «Muammo meniki», deb jon kuydirgan sichqon esa hamon tirik...

**Go'zal JAFAROVA.**

### MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

#### Bosh muharrir

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

#### Bosh muharrir o'rribosarlari

podpolkovnik Azizjon FAYZIYEV  
mayor Aziza BOHODIROVA

#### Navbatchilar

Temir QURBONOV  
Radik TUMPAROV

#### Mas'ul kotib

Erkin SATTOROV

#### Sahifalovchilar

Zokir BOLTAYEV  
Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

#### Fotomuxbirlar

Abu KENJAYEV  
Ikrom HASANOV

#### TELEFONLAR:

71-231-33-88;

**Obuna masalalari  
bo'yicha:**  
71-231-38-74;  
97-420-89-24

Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz)

E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)



Tahririyat hisob raqami h/r  
23402000300100001010.

Bank kodи 00014.

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va  
moliya vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v  
470010860262877031101179001  
STIR 200637499.

Gazeta O'zbekiston matbuot va  
axborot agentligi tomonidan  
2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam  
bilan ro'yxtarga olingan.

Manzilimiz: 100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.

Buyurtma № 648.  
Bosilish – ofset usulida.  
Bichimi – A3.  
Hajmi – 6 bosma taboq.  
45177 nusxada chop etildi.

**Obuna raqamlari:**  
Yakka tartibda – 180.  
Tashkilotlar uchun – 366.  
Bosishga topshirish vaqt – 22.00.  
Bosishga topshirildi – 21.00.  
Sotuvda kelishilgan narxda.  
«Kolorpak» MCHJ bosmaxonasida  
chop etildi.  
Korxona manzili: 100206  
Yunusobod tumani,  
Yangishahar ko'chasi 1<sup>st</sup>-uy.